

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№3 (03) 2010



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Ҳакимбой Ҳалимов
Алишер Шарафутдинов
Нигматилла Йўлдошев
Шухрат Узаков
Зоҳид Дўсанов
Толибжон Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинжон Исмоилов
Рустам Рўзиев
Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Светлана Ортиқова
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2010 йил 7 январда
0580 сонли гувоҳнома билан рўй-
хатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа
бошлаган.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқ қилиши
мумкин. Журналда чоп этилган
материаллардан фойдаланилганда
«Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратурасининг Олий ўқув
курслари Ахборотномаси»дан
олинди деб кўрсатилиши шарт.
Таҳририят тақдим этилган мақо-
лаларни тақриз қилиш ва қайтариш
мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №

Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

М У Н Д А Р И Ж А

Р.Қодиров.	Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш — давр талаби	1
Б.Мустафаев.	Инсонпарварлик — ислохотлар мезони	7
Х.Азизов.	Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси — муҳим вазифа	9
Т.Умаров.	Роль информационно-аналитической работы и планирования в правоприменительной деятельности	13
М.Қиёмов.	Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлашнинг устувор йўналишлари	18
А.Сангинов.	Прокуратура органлари — қонун устуворлигини таъминлаш йўлида	24
Ҳ.Раҳмонқулов.	Корпоратив ҳуқуқ тушунчаси ва асосий тамойиллари	30
Б.Исмоилов.	Международные стандарты в деятельности генеральной прокуратуры Республики Узбекистан	34
Б.Пўлатов.	Задача органов прокуратуры по защите прав и свобод человека	37
Ф.Раҳимов.	Дастлабки тергов: Асос ва умумий шартлар	40
А.Юнусова.	Государственная политика по повышению политической активности женщин в Республике Узбекистан	44
Р.Ткач.	Роль отца и матери в формировании личности ребенка	47
Ф.Бакаева.	Совершенствование правовых основ борьбы с насилием в отношении женщин	49
Ф.Мухамеджанова.	Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тутган ўрни ва роли	53
С.Селиманова.	Административно-правовой механизм охраны и защиты прав и свобод человека и гражданина	56
Х.Каримов.	Қийноқ ва унинг ижтимоий ҳавфлиги	59
Х.Баҳронов.	Суд-ҳуқуқ ислохотлари: Жиноят процессида прокурор ваколатларини такомиллаштириш масалалари	62
А.Одинаев.	Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ва унда неустойканинг аҳамияти	65
Р.Хонназаров.	Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалари ҳамда асослари	68
	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	71
	Пленуми Қарорлари	79
	Рецензия	
	Аёл ҳуқуқлари ва гендер тенглиги	
	Янги китоб	82

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,
1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси
ю.ф.н.

ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Биз юртимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги нашрлар циклини давом эттирмақдамиз.

Ўтган йилнинг декабрь ойида чоп этилган аввалги мақолада сайловлар, ижро ишини юритиш, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг кодексларидаги ярашув жиноий-ҳуқуқий институтини кенгайтириш, фуқаролик процессида вакиллик институтини такомиллаштириш, сифатсиз ва қалбаки дорилар ҳамда тиббий буюмлар билан муомала қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида гапириб ўтилган эди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг норматив базасини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида **«Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини»** таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Давлат раҳбарининг бу талабларидан келиб чиқиб, мазкур йўналишдаги ишлар доимий асосда олиб борилмоқда.

Жумладан, фақатгина 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентида Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини

тартибга солишга қаратилган 11 қонун лойиҳаси киритилган. Уларнинг бир қисми аввалги мақола-ларимизда ёритилган эди, шу боис қонунчиликка киритилган кейинги ўзгаришларга оид қонун лойиҳаларига назар ташласак.

Хусусан, жорий йилнинг 18 май куни маъқуланган **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»**ги Қонун жиноят қонунини янада либераллаштириш ва жиноий жазоларни дифференциялашга қаратилган. Мазкур Қонун лойиҳаси енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жиноят учун жазо тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини ўрганиш натижалари бўйича ишлаб чиқилган эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатлардан фақатгина айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш ва етказилган зарарни бартараф этиш (55-модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандлари) каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилгандан сўнг фаол ижобий ҳаракатлари билан ажралиб туради.

Юқоридаги тўртта ҳолат айбдорнинг амалда пушаймон бўлганлигини билдириб, унинг ўз қилмишининг гайриқонунийлигини англаганлигидан ва у учун жазо олишга тайёр эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, қонунда қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жазонинг аниқ чегараси ва енгилроқ жазо тайинлашининг ҳуқуқий кафолатлари белгиланмаганлиги сабабли, айбдор шахслар пушаймонликни фаол ҳаракат орқали намоеън этишдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эмас эди. Бу ҳолат эса жиноятларнинг тез фош этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидируви ва ушланиши, кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилишига ёрдам бермас эди.

Шу сабабдан қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексига янги 57¹-модда киритилиб, унда юқорида кўрсатилган ҳолларда ва оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигида жазо муддати ёки миқдори

Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган жазо тайинланиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Бунда киритилган норма ижтимоий хавфи юқори бўлган, оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (155-моддасининг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунчиликдаги яна бир бўшлиқ касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсларга ОИВ касаллигини юқтириш учун жиноий жавобгарлик масалалари билан боғлиқ бўлган.

Жиноят кодексига бундай қилмиш учун жавобгарликни белгиловчи махсус меъёр мавжуд эмаслиги боис ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида ҳуқуқни қўллаш ва тергов-суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри малакалашда муаммолар юзага келар эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бундай жавобгарлик фақатгина баданга ўртача оғир шикаст, оғир шикаст, одамнинг ўлими каби оқибатлар келиб чиққан ҳолдагина юзага келади. Бунда ОИВ инфекциясини юқтириш ҳолатининг ўзини, оқибатда ўлим юз бермаган бўлса, жавобгарлик учун асос бўлувчи оқибатлар сирасига киритиш мумкин эмас.

Шу сабабли, 2010 йил 24 май куни қонун қабул қилиниб, Жиноят кодексининг 113-моддаси шахсининг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТС-ни юқтиргани учун олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жавобгарликни назарда тутувчи бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Мазкур норма ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини ва тиббиёт ходимларининг ўшбу касалликнинг олдини олиш қоидаларига қатъий риоя этиши учун масъулиятини оширишга қаратилган.

Жиноят кодекси 113-моддасининг янги таҳририда «ОИТС касаллиги» термини ўрнига «ОИВ касаллиги/ОИТС» терминидан фойдаланганлиги сабабли худди шу қонун билан Жиноят кодексининг 66¹-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 57-59-моддаларида ҳам шу каби ўзгартишлар амалга оширилиб, **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»**ги Қонунга тузатишлар кири-

тилди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини ошириш борасида кўрилаётган чоралар алоҳида эътиборга сазовор.

Амалга оширилаётган чоралар натижасида республикада вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. 2000 йилга нисбатан ўтган йилда болалар жиноятчилиги 19,8 фоизга, жиноят содир этишда иштирок этган вояга етмаганлар сони 12,2 фоизга камайди.

Айни вақтда вояга етмаганлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари кўпайди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда, бунга уларнинг тунги вақтда турли кўнгилочар масканларда назоратсиз юришлари ва аксарият ҳолларда, бу ерда спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари омил бўлмоқда.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини бу тариха ўтказишларига кўнгилочар масканларнинг раҳбарлари ва бошқа масъул ходимларнинг тунги вақтда мазкур муассасаларда вояга етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ҳозир бўлишига йўл қўйганлиги учун жавобгарлиги белгиланмаганлиги асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Шуни инобатга олиб, жорий йилнинг 17 май куни **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонун қабул қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларида вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига йўл қўйганлик учун мазкур жойларнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи янги 188²-модда билан тўлдирилди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарларидан ташқари, бундай жойларда тегишли фармойиш, меҳнат шартномаси, вазифалар тақсимооти билан ёхуд эгаллаб турган хизмат мавқеи туфайли кўнгил очиш (дам олиш) жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш қоидаларига ёки мижозларнинг кириб-чиқиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш учун жавобгарлик юкланган бошқа масъул шахсларни ҳисоблаш керак.

Ўшбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун суд айбдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бара-

варидан ўн беш бараваригача миқдорда жарима шаклидаги маъмурий жазо чорасини белгилаши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, киритилган нормани тўғри қўллаш учун «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, яъни унинг 3-моддасидаги ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар деганда қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) тушунилиши кераклиги ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиш зарур.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188²-моддасида кўрсатилган бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларига кафетерийлар, ошхоналар, чойхоналар, буфетлар каби умумий овқатланиш жойлари, шунингдек, театрлар, концерт заллари, ўйинхоналар, бильярдхоналар ва бошқа шу каби жойларни киритиш лозим.

Ушбу моддада қўлланиладиган тунги вақтни аниқлаш учун Меҳнат кодексининг 122-моддасига мурожаат қиламиз, унга кўра соат 22:00 дан 6:00 гача бўлган вақт тунги деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига болаларнинг ҳимоясига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимидаги органлар ва муассасаларнинг масъулиятини ошириш, болаларнинг девиант (яъни жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга зид бўлган) хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини кескин яхшилашга қаратилган **«Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси киритилган.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масалалари ҳукуматнинг алоҳида қарорлари, алоқадор вазирликлар ва идораларнинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган, бу эса, ўз навбатида, мазкур муаммоларни ҳал қилишга мутасадди бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва иш самарадорлигини оширишга етарли имкон бермаяпти.

Ишлаб чиқилган лойиҳада эса вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатлари пухта ва комплекс тарзда белгиланган. Унда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан профилактика ишини олиб бориш тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш асослари ҳамда бошқа масалалар

мустаҳкамланган.

Сизларга маълумки, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республика-миз томонидан 2008 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция ратификация қилинган.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мазкур конвенцияларини миллий қонунчиликка сингдириш, боланинг ҳаёти, соғлигининг муҳофаза қилиниши ва ота-оналар ҳамда бошқа шахсларнинг суиистеъмолликларидан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш учун 2009 йилнинг декабрь ойида қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Хусусан, 2009 йил 21 декабрь кунги **«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонунга мувофиқ, Кодекснинг 49-моддаси вояга етмаганларнинг меҳнати ва меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсга оғирроқ жазо қўллашни назарда тутувчи янги норма билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда айбдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги киритилган 49¹-модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига киритилган ўзгартишлар асосида вояга етмаган шахсни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жазо чоралари кучайтирилди.

Агар меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлса, вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган худди шундай ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

2009 йил 24 декабрдаги Қонун билан Меҳнат кодекси ва **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, шахсни ишга қабул қилиш мумкин бўлган энг кичик ёш чегараси кўтарилди.

Эндиликда ишга қабул қилишга фақатгина ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Айни пайтда, агар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчилари ўн беш ёшга тўлган бўлса, ўқишдан бўш вақтида ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жара-

ёнини бузмайдиган енгил ишни бажариши учун ишга қабул қилиниши мумкин.

Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ўқувчиларни ишга қабул қилишга ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин йўл қўйилар эди.

Эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган яна бир ҳужжат фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, бу соҳада инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш масалаларига тааллуқлидир.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси аҳволи текширилди.

Текшириш давомида хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан тиббий хизматлар кўрсатиш тартибига оид қонун ҳужжатларининг жиддий бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш кўрсатдики, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган 1.187 нафар жисмоний шахсдан ҳақиқатан 581 нафаригина ўз фаолиятини амалга ошириб келган.

Бунда хусусий равишда ишловчи шифокорларнинг аксарияти даволаш жараёни стандартлари, санитария ва гигиена қоидалари, асбобларни стерилизация қилиш ва ишлатилган тиббий буюмларни утилизация қилиш бўйича талабларга риоя этмаган ҳолда фаолият кўрсатиб келган.

Санитария қоидалари ва нормаларига кўра, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланувчи 542 нафар шифокор (581 нафаридан) фаолият тури бўйича махсус ўргатилган тиббиёт ходимлари билан тўлдирилган стерилизация қилиш бўлинмаларига эга бўлиши лозим эди, бу эса фақатгина юридик шахс шароитида ташкил этилиши мумкин.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг кафолатланишини таъминлаш мақсадида 2010 йил 19 май куни **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги Қонун қабул қилинди. Киритилган тузатишларга кўра, жисмоний шахсларнинг хусусий тиббиёт фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Ҳозирги вақтда мамлакат парламентида яна бир ҳужжат — **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг ишлаб чиқилишидан олдин прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида текшириш ўтказилиб, унда қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига ҳўжасизларча ва масъулиятсизлик билан қараш, фуқаролар томонидан келгусида қабрлар солиш учун ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, қабристонларни ташкил қилиш мақсадида маданий-мемориал комплексларнинг фондларидан ерларни ноқонуний ажратиш ҳолатлари аниқланган, қабристонларни ободонлаштиришга ажратилган бюджет

маблағларининг талон-торож қилиниши ва мақсадсиз ишлатилиши ҳоллари фош этилган.

Мазкур соҳада бундай аҳволнинг юзага келишининг сабабларидан бири — ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, дафн этиш ва дафн иши масалаларини тартибга солувчи қонунчилик актининг мавжуд эмаслигидир.

Кўп конфессионал жамиятимиз ҳаётининг бу муҳим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳада асосий тушунчаларнинг таърифини белгилаш, марҳумнинг муносиб равишда дафн этилиши кафолатларини мустаҳкамлаш, дафн этиш жойлари ва дафн ишини ташкил қилиш борасидаги муносабатларни, шунингдек, бошқа ҳуқуқий жиҳатларни тартибга солиш кўзда тутилган.

Хусусан, унда вафот этганидан кейин жасадига ҳурматни ўрнига қўйган ҳолда муносабатда бўлиш юзасидан шахснинг ҳаётлик чоғида хоҳиш билдириши ва бошқа ҳуқуқлари белгиланган, дафн этиш жойларини, қабртошларни, панжаралар ва бошқа ашёларни таҳқирлаш ёки вайрон қилиш, шунингдек, жасадни таҳқир этишга тақиқ ўрнатилган.

Қонун лойиҳасининг алоҳида қоидалари билан дафн этиш жойларини ташкил этиш, бу жойлар учун санитария-гигиена ва экологик нормаларига мувофиқ ер майдонини танлаш ҳамда ажратиш масалалари тартибга солинган, уларни сақлаш ва ободонлаштириш бўйича талаблар белгиланган.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси чет эл давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда жиноят-процессуал қонунда хорижий давлатлар муассасалари билан ўзаро муносабатда бўлиш, айбланувчиларни ушлаб бериш ва жиноий таъқиб қилишга оид фақатгина айрим умумий нормалар мавжуд.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровларни юборишда миллий органлар ваколатларининг аниқ белгиланиши, чет эл давлати ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи, Ўзбекистон Республикасида ушланган жиноятчиларни бериш тўғрисидаги сўровларни бажариш тартиби, ҳамкорликни амалга оширишда ўзаро келишув тамойили каби махсус масалалар бўйича нормаларнинг мавжуд эмаслиги эса ягона тергов-суд амалиётининг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари, қоида тариқасида, умумий характерга эга бўлиб, халқаро ҳамкорлик борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган миллий жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидаларини бутун-

лай алмаштира олмайди.

Шу муносабат билан, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун амалиётчи-ходимларга зарур бўлган ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Бош прокуратура томонидан тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Жиноят-процессуал кодексини янги боб билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Янги бобда чет эл давлатга процессуал ҳаракатларни бажариш, унинг ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш, жиноий таъқибни амалга ошириш учун жиноят иши материалларини юбориш тўғрисида сўровлар юбориш, шунингдек, чет эл давлатлар муассасаларининг бундай сўровларини Ўзбекистон Республикасида бажариш тартиби каби масалаларни ва бошқа қоидаларни батафсил тартибга солиш назарда тутилади.

Тез кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун лойиҳасининг киритилиши кутилмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида акс эттирилган Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳия ҳам давлат суверенитети, миллатнинг бирлиги, унинг ўтмиши ва келажакнинг рамзи, ҳам миллий ифтихордир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси, дипломатик ва консуллик муассасалари олдида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг ҳилпираб туриши ёки давлатлар раҳбарларининг расмий ташрифлари давомида, шунингдек, спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари шарафига ёхуд бошқа тантаналарда давлат мадҳиясининг янграши ҳар бир кишида миллий ғурур ҳиссини уйғотади.

Шу боис барчамиз давлатнинг бу тимсолларини ёдда тутишимиз, сақлашимиз ва ҳурматсизлик кўринишларидан муҳофаза қилишимиз шарт.

Шуларни инобатга олиб, **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»**ги Қонунларга давлат рамзларининг тижорат мақсадида ишлатилишига чек қўйишга, шунингдек, давлат рамзлари ҳақидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада байроқнинг кўтарилиши, герб тасвирининг ўрнатиб қўйилиши ҳамда мадҳиянинг ижро этилиши ҳолатларига аниқлик киритилмоқда.

Бундан ташқари, одам бир-бирини кўрганда ўзаро ҳурмат-эҳтиромини изҳор қилиши, қўлини кўксига қўйиб, ҳол-аҳвол сўрашиши аждодларимиз-

дан ўтиб келаётган ўзбекларга хос одат, анъана ҳисобланади. Шунини инобатга олиб, **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»**ги Қонуннинг давлат мадҳияси оммавий тадбирда ижро этилаётганда, ўнг қўлни кўксига қўйиш ҳақидаги қоида билан тўлдирилишида бу азалий одатларимизнинг унга сингдирилишининг бир кўринишидир.

Фуқароларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан ўз манфаати учун фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида давлат рамзлари (байроқ ва герб) тасвирларидан товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, уларнинг элементларини нодавлат ташкилотларнинг ҳужжатлари реквизи́тлари ёки реклама материалларига қўйишга тақиқ солинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи 203¹-модда билан тўлдириш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга йўналтирилган, инсонларнинг ҳавфсизлигини сезиларли даражада пасайтирадиган ва кўпинча жиддий йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келадиган кўпол қоидабузарликлар содир этадиган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Суд-экспертлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган кейинги ҳужжат — жорий йилнинг 1 июнь куни қабул қилинган **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги Қонундир.

Бундан аввал Ўзбекистон қонунчилигида суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва бундай фаолиятнинг асосларини белгиловчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаган. Фақатгина суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш масалалари процессуал қонунларда акс эттирилган.

Қабул қилинган қонунда амалий жиҳатдан долзарб бўлган суд-экспертлик фаолиятининг тушунчаси, унинг принциплари билан боғлиқ масалалари ёритилган, бундай фаолиятнинг барча томонлари тартибга солинган.

Жумладан, унда «суд экспертизаси», «суд-экспертлик фаолияти», «суд эксперти» тушунчаларига илк бор таъриф берилган, суд-экспертлик фаолиятининг тамойиллари, хусусан, қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертнинг мустақиллиги, холислик, ҳар томонламалик ва тўлиқлик мустаҳкамланган. Шунингдек, суд экспертнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, суд экспертизасининг турлари (қўшимча, қайта, комплекс, коммиссиявий) тартибга солинган.

Тўхталиб ўтмоқчи бўлган яна бир қонун ички

ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга тегишлидир.

Жинойатчиликка қарши курашиш билан шуғullanувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг иши алоҳида хусусиятга эга бўлиб, кўпинча ходимларнинг ҳаётини хавф-хатарга солиш билан боғлиқдир. Шу боис, давлат томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаёти ва соғлиғини суғурталашга қаратилган алоҳида чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, пенсия ва солиқ қонун ҳужжатлари нормалари билан хизмат бурчларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ҳарбий хизматчиларининг оилалари учун даромад солиғидан қисман ва мулк солиғидан тўлиқ озод қилиниши билан боғлиқ имтиёзлар, шунингдек, пенсияларга устама ҳақлар белгиланган эди.

Бироқ кўрсатилган имтиёзлар ички ишлар органлари ходимларининг барча тоифаларига эмас, балки фақатгина ҳарбий хизматчиларига доир бўлган. Айни пайтда, мустақиллик даври мобайнида хизмат вазифаларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар бўлмаган ходимларининг сони оз эмас.

Бир хил шароитлардаги хизматни ўташда, шу жумладан, жанговар вазифаларни бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ходимларининг оилалари учун имтиёзлар беришда бундай чегараланиш ижтимоий адолат тамойилига бир оз мувофиқ эмас эди.

Шу муносабат билан 2010 йил 20 май куни қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Республикаси «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги Қонунининг 28-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Ушбу моддаларнинг янги таҳририга мувофиқ, ички ишлар органларининг ҳарбий хизматчилари учун белгиланган пенсия ва солиқ имтиёзлари эндиликда хизмат вазифаларни бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистонда изчил ривожланаётган солиқ-бюджет сиёсати 2009 йил 30 декабрь куни «**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Қонуннинг қабул қилинишини белгилаб қўйиб, ундаги 130 га яқин моддалар ўзгартирилди. Бунда кодекснинг 6

та моддаси 2010 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бўлса, қолганлари кодекснинг бевосита амал қилишини таъминлаш, унинг алоҳида нормаларидаги ноаниқликларни ва фарқ қиладиган қоидаларни бартараф этиш заруратидан келиб чиққандир.

Масалан, Солиқ кодексининг 62-моддасига киритилган тузатишлар солиқлар бўйича қарзни ундириш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган. Жумладан, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилиши ҳақидаги қоидадан яқка тартибдаги тадбиркорлар чиқариб ташланди. Бундан буён яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳам илгари фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланилган чоралар татбиқ этилади, яъни инкассо топширикномаларини тақдим этиш ва ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратилади.

Солиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётган солиқ тўловчи — юридик шахсларга нисбатан солиқ қарзини ундириш чораларининг ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш учун Солиқ кодексининг 96-моддасига қўшимча киритилди. Хусусан, давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ваколоти берилди: солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тулаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда, шунингдек, солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда.

Шундай қилиб, биз қонунчиликдаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ сўнгги ўзгартишларга қисқа шарҳ беришга ҳаракат қилдик.

Сўзсиз, бу ўзгартишларнинг барчаси қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга, шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «**Агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз**».

АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена совершенствованию действующего законодательства, в контексте правовых реформ проводимых в нашей стране. Во вводной части статьи автор указывает фундаментальные основы прав человека в и подробно освещает основные направления освященных правовых реформ, в произведениях Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова. В основной части статьи осуществляется тщательный научно-правовой анализ основных изменений и дополнений, внесенных в действующие национальное законодательство, влияние правовых реформ на развитие общества, приводятся точные статистические данные. В заключительной части автор приходит к выводу, что все изменения и дополнения, внесенные в национальное законодательство повышают эффективность нормативно-правовых актов и совершенствуют правоприменительную деятельность, а также, что они направлены на совершенства всякие защиты прав и свобод граждан, интересов государства и общества.

ИНСОНПАРВАРЛИК — ИСЛОҲОТЛАР МЕЗОНИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиний жазоларни либераллаштириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Зеро, ушбу ислоҳотлар моҳиятида инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда судлар мустақиллигини таъминлаш орқали уларнинг кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги ролини ошириш мақсади мужассамдир.

Буни истиқлол йилларида қўлга киритилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, 1991-2000 йилларда халқимизнинг тарихан шакланган миллий ва маданий хусусиятларидан келиб чиқиб, сиёсий демократия ва эркин иқтисодиётга эришиш стратегияси ишлаб чиқилди. Натижада давлатчилигимиз тарихида биринчи марта Конституциявий суд ташкил этилди ҳамда суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида хўжалик судлари тузилди. Айни чоғда судларни давлат ҳокимиятининг мустақил таркибий қисми сифатида шакллантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

2001-2005 йилларда эса ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиди. Аниқроғи, жиноят қонунини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд қарорлари ижросини такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, 2001 йил 29 августда «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасида янги саҳифа очди. Қолаверса, суд жараёнига халқимиз менталитети, бағрикенглигига мос келадиган ярашув институти татбиқ этилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг кейинги босқичида амалга оширилган энг улкан тарихий воқеа — бу, шубҳасиз, ўлим жазосининг бекор қилиниши бўлди. Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармониغا биноан, 2008 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан ўлим жазоси чиқарилиб, ўрнига умрбод

озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Аммо бу жазо аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахслар ва олтмиш ёшдан ошган эркаларга нисбатан қўлланилмайди. Шунинг ўзиёқ бу жазо турини қўллашда инсонпарварлик тамойили асосий мезон қилиб олинганлигини кўрсатиб турибди.

Соҳа ислоҳотлари шу билан кифояланиб қолмади. Аксинча, кейинги йилларда ислоҳотлар чуқурлаштирилиб, унинг самарасини оширишга қаратилган янги қонун ва норматив ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг натижасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётир. Масалан, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги либераллаштирилди, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминловчи мустақил суд ҳокимияти шаклланди. Бошқача айтганда, жиний жазо ва суд ишларини юритиш либераллаштирилиб, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтиди. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони жорий йилнинг биринчи ярмида 2000 йилнинг шу давридагига нисбатан 17 фоизга камайгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Айни чоғда умумий юрисдикция судлари ихтисослашуви йўлга қўйилиб, одил судлов сифати ошишига эришилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлари ошиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Масалан, 2000 йилда республика бўйича 95 мингга яқин фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 2010 йилнинг биринчи ярмига келиб, бу кўрсаткич 127 мингдан кўпроқни ташкил қилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг одил судловга ишончи ортиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Апелляция тартиби жорий этилиши эса суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Ярашув институти жорий этилиб, уни қўллаш доираси янада кенгайтирилиши ҳисобига кейинги тўққиз йил ичида 103 мингга яқин

кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилганлиги бунга мисол бўла олади. Қолаверса, жиноят оқибатида етказилган 104 миллиард сўмдан ортик моддий зарар ўрнини қоплаган 17 мингга яқин шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлангани ҳам суд-ҳуқуқ тизимида эришган ютуқларимизнинг амалий ифодаси бўлди.

Шунингдек, амнистия актини татбиқ этиш судлар томонидан амалга оширилишининг белгилалиши, адвокатура институти ислох этилиши, гувоҳ ҳуқуқининг адвокат ёрдамида ҳимоялиниши, амалдаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамлар бўлди.

Олий суднинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида истиқлол йилларида, хусусан, жорий йилнинг олти ойида соҳада эришилган ютуқларимиз, шу жумладан, умумий юрисдикция судлари томонидан одил судловни амалга ошириш борасида 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Аёнки, умумюрисдикция судлари «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва Конституция талабидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқлари, уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоялашдек масъулиятли вазифани бажариб келмоқда. Бу борада уларга Олий суд томонидан қабул қилинган суд амалиётини тўғри йўналтиришга қаратилган пленум қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Олий суд судьялари, консультантлари ҳамда Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ходимларининг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Ўтган

даврд улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳларда фаол иштирок этиб, 48 та қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашди. Ҳозирда ушбу қонунларнинг айримлари суд-ҳуқуқ амалиётига татбиқ этилмоқда.

Яна бир муҳим маълумотга эътибор қаратишни истардик. Шу йилнинг олти ойи мобайнида Олий судга жами 11 минг 483 та шикоят ва ариза келиб тушган. Уларнинг 6 мингдан кўпроғи фуқаролик, 6 мингга яқини эса жиноят ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган суд қарорлари юзасидандир. Буни таҳлил этадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича келиб тушган шикоят ва аризалар 2009 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 146 тага, яъни 2,4 фоизга камагани ҳолда, жиноят ишлари бўйича ариза ва шикоятлар 743 тага, яъни 14,2 фоизга ошгани кўзга ташланади. Шунинг ўзиёқ бизни янада хушёрликка, янада фаоллик кўрсатиб ишлашга ундайди.

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқишига судьяларнинг зиммасига юклатилган масъулиятни етарли ҳис этмаётганлиги, шахсий манфаатини одил судлов манфаатидан устун қўяётганлиги ҳамда уларнинг фаолияти устидан вилоят суди раҳбарларининг назорат, маънавий ва маърифий ишларни олиб бормаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, жойларда тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Қисқаси, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадига қаратилган. Зеро, қонунлари устувор, фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама кафолатланган жамиятдагина инсонлар бахтли ҳаёт кечирадилар.



АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена гуманизму, как основному критерию правовых реформ проводимых в Республики Узбекистан. Во вводной части данной статьи автор проводит обзор положительных результатов судебно-правовых реформ, осуществляемых в нашей стране. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ процесса реформирования национального законодательства в сфере гуманизации и либерализации права, подробно освещается роль органов правосудия в данной сфере, приводятся точные статистические данные. В заключительной части автор приходит к выводу, что все реформы осуществляемые в Республики Узбекистан направлены на всестороннее совершенствования состояния защиты прав и свобод граждан, укрепление гражданского общества и правового государства.

Худойқул АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди
раиси ўринбосари, ю.ф.н., доцент

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ МУҲИМ ВАЗИФА

Давлатимиз раҳбари Ислон Абдуғаниевич Каримов 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз ҳаётида 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳақида, Олий Мажлиснинг ўз ваколатларини тугатган ҳар иккала палатаси аъзолари томонидан амалга оширилган ижобий ишлар, шунингдек, уларнинг фаолиятидаги айрим камчиликлар, бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида турган кенг миқёсли улкан вазифалар ҳусусида тўхталиб, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро ўзвий ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олинган юксак марраларга эриша олмаслигимиз мўмкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин республикаимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятининг асосий сабабларидан бири — бу кенг қўламдаги ўзгаришларнинг барча соҳаларда уйғун ҳолда тизимли амалга оширилаётганлигидир. Ҳусусан, мустақилликнинг илк кунларидан бошланган иқтисодиётнинг тўздан ислоҳ этилиши ҳамда ҳусусий мулкнинг давлат ҳимоясига олиниши суд-ҳуқуқ соҳасининг ислоҳ қилиниши билан ҳамоҳанг кечмоқда. Энг муҳими эса юртимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари йилдан-йилга тобора мустаҳкамлаб борилмоқда.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3619-сонли, 2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузар-

ликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги 3622-сонли, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3665-сонли Фармонларининг ҳамда 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги 100-сонли Қарорининг қабул қилиниши жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, мулкий дахлсизлигини таъминлаш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш, тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик ва энг асосийси, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби тадбиркорлик субъектларига нисбатан белгиланган истиснолардан ташқари фаолиятни тугатиш; фаолиятни тўхтатиб қўйиш; банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш; молиявий санкцияларни қўллаш; ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш; тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор

қилиш каби ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, Фармонда:

— назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жинойи жавобгар ҳам бўлишлари;

— фақат қўзғатилган жинойи иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларининг муқобил тарзда текширишга йўл қўйиши;

— муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилиши белгиланган.

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозимлиги ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкинлиги мазкур Фармонда белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жинойи жавобгарликка тортилишини таъминлаган

ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириши лозимлиги белгиланган.

Таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб хўжалик судлари томонидан кўриб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, хўжалик судлари томонидан ўтган давр мобайнида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида 75984 та ариза кўриб чиқилган.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг суд орқали қўлланилиши ушбу субъектларга ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун кенг имконият яратаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида назорат қилувчи органлар томонидан киритилаётган асоссиз даъволар хўжалик судлари томонидан рад этилмоқда.

Шу ўринда бир мисол. Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилиб, "Афғон транс Одил" МЧЖга нисбатан нақд пул маблағини банк муассасасига топширмаганлиги ҳамда текшириш жараёнида тегишли бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этмаганлиги учун молиявий жарима қўллашни сўраган. Иш ҳужжатларидан аниқланишича, солиқ органи томонидан жавобгарга нақд пул маблағини банк муассасасига топширмаганлик факти бўйича ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақида талабнома юборилган бўлса-да, бироқ текшириш жараёнида тегишли бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этмаганлик факти бўйича ҳисобланган молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақида талабнома юборилмаган. Бу билан солиқ органи томонидан низони судгача ҳал этиш тартиби бузилган. Шунга кўра, аризанинг жавобгарга нисбатан текшириш жараёнида тегишли бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этмаганлик факти бўйича молиявий жарима ундириш талаби юзасидан даъво кўрмасдан қолдирилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик ҳақида шаҳар солиқ инспекциясига хусусий ажрим киритилган.

Бошқа бир мисол, Шаҳрисабз туман ДСИ вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, "Хумор" савдо уйига нисбатан молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 7 октябрдаги буйруғига асосан Шаҳрисабз туман ДСининг юридик шахслар тўловларининг бюджетга тақдим этилишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими ходимлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши назорати юзасидан амалга оширилган ишлар, хусусан, давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар

да ўтказилган ҳужжатли текширишлар натижаси бўйича тегишли тартибларнинг амалга оширилиши юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида танлов йўли билан текшириш ўтказилган.

"Хумор" савдо уйида ўтказилган текширишда унинг икки йиллик фаолияти давомида кириш ҳужжатларисиз реализация қилинган товарлар корхона даромади таркибига қўшилмаганлиги, натижада 2005 йилда 3 300,0 минг сўм ва 2006 йилда 31 200,0 минг сўм, жами 34 500,0 минг сўмлик ялпи даромад солиғи ҳисобланмасдан қолганлиги аниқланган.

Бироқ, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан жавобгарнинг фаолиятини текширишда бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилган. Хусусан, текшириш далолатномаси текширилган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки ваколатли вакил тегишли тартибда таништирилмаган. Шунингдек, текшириш далолатномасидан бир нусха текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдирилмаган.

Бундан ташқари, текшириш ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар билан хўжалик юритувчи субъект таништирилганлиги ва уларнинг нусхалари топширилганлиги тўғрисида тилхат олинмаган.

Юқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантиришни рад этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги 3622-сонли Фармони билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек, жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгиланди.

Шу билан биргаликда материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қопласа ҳамда унинг оқибатларини бартараф этса, жумладан, пеня тўласа молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005

йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3665-сонли Фармонига асосан тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

— микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши;

— янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятида улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги;

— ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинolari, савдо шахобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойидан қатъи назар уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилиши;

— тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан, пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги белгиланди.

Ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат ва ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этишлари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширишлари ҳам қайд этилган.

Булардан ташқари, мазкур Фармонда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига назорат органларига "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун моддаларига қатъий риоя этган ҳолда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат бериши кўрсатилган.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги 100-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга биноан, 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда эмас, балки ҳар чорақда тақдим этиш тартиби жорий этилди. Бунда солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари сақлаб қолинди.

Шунингдек, ҳар чорақдаги ҳисоб-китоблар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай:

ойма-ой тақсимланган ҳолда — ҳар ойда тўланадиган барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бундан мустасно);

ҳар ўн кунликка тақсимланган ҳолда — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бўйича ҳар чорақда бир марта тақдим этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинган тадбиркорлик субъектлари, мажбурий сотилиши лозим бўлган валюта тушуми миқдори ҳисоб-китобини ҳисобга олиш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этишлари белгиланди.

Мазкур Қарорга мувофиқ тадбиркорлик субъектларидан:

— давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда ҳар

қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан мустасно);

— бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан, ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайдиган тартиб ўрнатилди.

Шунингдек, Қарорда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари Қарорнинг ушбу бандини бузганлик учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилишлари қайд этилган.

Булардан ташқари, ушбу Қарорда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари, тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни, шунингдек, бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлашлари кўрсатилган.

Мазкур ҳатти-ҳаракатларни содир этганлик учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари, тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрни суд қарорига биноан айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда амалда самарали татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликка ва энг асосийси, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришга хизмат қилмоқда.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена важнейшим задачам охраны прав и интересов субъектов предпринимательства. Во вводной части данной статьи автор осуществляет обзор основных направлений государственной политики в сфере защиты прав субъектов предпринимательства. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ национального законодательства в данной сфере, подробно освещается правоприменительная практика, приводится точная статистика. Особое внимание автор уделяет правовым механизмам защиты прав предпринимателей в нашей стране. В заключительной части автор осуществляет подробный обзор особенностей защиты прав субъектов предпринимательской деятельности в Республики Узбекистан.

Толибжон УМАРОВ,
Начальник Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры, старший советник юстиции
доктор юридических наук

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКОЙ РАБОТЫ И ПЛАНИРОВАНИЯ В ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

В последние годы все большее внимание уделяется информационно-аналитической деятельности в правоохранительных органах. И, как отмечал Генеральный прокурор Республики Узбекистан Р.Х. Кадыров: "Преобразование охватывают сегодня все новые и новые сферы, где имеются предпосылки дальнейшего их обновления и развития. В этих целях изучается международный опыт, анализируется действующее законодательство и практика его применения, разрабатываются предложения, направленные на его совершенствование и упрощение, а также восполнение таким путём ещё имеющихся правовых пробелов"¹. Следует подчеркнуть, что именно информационно-аналитическая деятельность играет особую роль в процессе осуществления управления такой многочисленной и территориально распределённой системой, какой является система органов прокуратуры. И поэтому все чаще и чаще на первый план при решении вопросов улучшения эффективности деятельности правоохранительных органов выходит информационно-аналитическое обеспечение.

Данное направление охватывает всю деятельность правоохранительных органов. В частности, такие как, целеполагание, прогнозирование, планирование, организация, мотивация, учет и контроль, коммуникация и принятие решений. Очевидно, что информационно-аналитическое обеспечение взаимосвязано и взаимообусловлено этими направлениями деятельности, так как они являются своеобразным источником его функционирования. Однако, в свою очередь, и состояние информационно-аналитического обеспечения непосредственно влияет на них и на управление органами прокуратуры в целом.

Учет и анализ деятельности прокуратуры так же, как и планирование, являясь обязательными организационными условиями функционирования органов прокуратуры, существенно влияют на эффективность работы прокуроров.

Этим обуславливается необходимость более под-

робного рассмотрения порядка организации информационно-аналитической работы и планирования.

При этом основное внимание уделяется анализу состояния законности на территории или объектах, входящих в сферу компетенции конкретной прокуратуры, так как именно истинное положение с состоянием законности и правопорядка позволяет правильно оценить результативность осуществления прокурорского надзора, определить приоритетное направление деятельности, поставить верные цели.

Под состоянием законности в данном случае подразумевается положение дел с преступностью и нарушениями законов непроступного характера. Исходя из этого, информационно-аналитическая работа прокуроров включает сбор, накапливание и анализ информации об исполнении законов, выявленных нарушениях, а также о состоянии борьбы с преступностью, прокурорской и следственной практики.

Информация, обычно выраженная в форме сообщений, сведений, может быть в устной, печатной, аудиовизуальной, письменной и иной форме. Эта информация, в силу специфики предмета деятельности прокуратуры, как правило, группируется по отраслям прокурорского надзора по направлениям деятельности. К ней предъявляются требования о полноте, объективности, достоверности, своевременности и оперативности поступления в прокуратуру.

Накопление сведений и сообщений происходит путем введения в делопроизводство определенной номенклатуры дел, в том числе с применением компьютерного учета, в которых систематизируются и хранятся информации. Получают распространение различные компьютерные программы, накопительные банки информации, используются локальные компьютерные сети. Комплексный анализ состояния законности и правопорядка в стране, оценка эффективности прокурорского надзора является возложенным на организационно-контрольное и аналитическое управления и информационно-аналитический отдел. На организационно-контрольное и аналити-

ческое управление Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан возлагается правильная организация деятельности органов прокуратуры Республики Узбекистан по укреплению законности, защите прав и интересов граждан, законных интересов государства и общества, предотвращению преступлений и правонарушений, а также, укрепление исполнительной дисциплины, ведение статистических данных. Кроме того, следует подчеркнуть, что важным направлением деятельности данного управления является организация составления рабочих планов во всех органах прокуратуры в целом, и конкретных работников в частности, и контроль за их исполнением. Данное управление осуществляет подготовку аналитических документов, связанных с деятельностью прокуратуры. А на основе результатов аналитических данных разрабатываются поручение и указания по улучшению направлений деятельности органов прокуратуры. Специфика деятельности Организационно-контрольного и аналитического управления заключается в том, что оно осуществляет анализ деятельности, сбор и обработку статистических данных всех направлений органов прокуратуры.

Так, информационно-аналитическая структура органов прокуратуры осуществляет регулярный анализ деятельности органов уполномоченных по борьбе с религиозным экстремизмом, терроризмом, наркотрафиком, а также, особо тяжкими преступлениями, направленными против конституционного строя государства. Кроме того, данная структура в целях обеспечения прокурорского надзора осуществляет сбор, систематизацию, анализ, обобщения информации о проведенной работе в вышеуказанной сфере, на основе которых подготавливаются рекомендации, предложения по совершенствованию данного направления и осуществляется надзор за предварительным следствием по преступлениям данной категории.

Для прокуроров большое значение имеет налаженность поступления информации об исполнении законов, что достигается правильной постановкой работы по сбору необходимых сведений, четким определением источников и носителей информации. Важнейшими элементами организации работы по надзору за исполнением законов являются сбор информации о нарушениях законов, ее анализ и планирование работы.

Выполнение стоящих перед прокуратурой задач по надзору за исполнением законов предполагает наличие полной и объективной информации о нарушении законов, позволяющей систематически анализировать состояние, структуру и динамику правонарушений и многочисленные обстоятельства, способствующие нарушениям. В широком плане под информационным обеспечением прокурорского надзора за исполнением законов понимается сбор, обработка, хранение (накопление) различных сведе-

ний (данных) в процессе его осуществления. Наибольший интерес для прокуроров представляют сведения о нарушении законов. Прокурор обязан проявлять активность в получении таких сведений.

Емкими источниками информации о нарушении законов являются письменные и устные обращения граждан (жалобы, заявления), поступающие в прокуратуру; сообщения средств массовой информации (периодической печати, радио, телевидения, интернет); обращения в прокуратуру руководителей предприятий, учреждений, организаций, предпринимателей, фермеров и других юридических лиц, законные интересы которых были нарушены; сообщения правоохранительных органов и органов контроля о совершении правонарушений и принимаемых ими мерах. Сведения о нарушении законов содержатся также в уголовных и гражданских делах, материалах прокурорских проверок, представлениях, вносимых следователями по уголовным делам. Разнообразной информацией обладают налоговые инспекции, органы по земельным ресурсам и землеустройству, органы санитарно-эпидемиологического надзора и многие другие государственные органы специальной компетенции, осуществляющие функции государственного контроля за соблюдением законодательства, регулирующего отношения в определенных сферах общественной жизни. Поэтому прокуроры путем истребования из таких органов соответствующих материалов и сведений или непосредственно при посещении этих органов получают, в частности, информацию: о выявленных ими нарушениях законов, причинах нарушений и способствующих этому условиях; о наступивших вредных последствиях в результате совершения этих нарушений; о принятых или принимаемых мерах по устранению и предупреждению нарушений законов; о числе должностных лиц и граждан, привлеченных к административной и иной ответственности; о количестве и суммах заявленных исков в суды и хозяйственные суды в возмещение ущерба, причиненного нарушениями законов; о количестве материалов, направленных в органы прокуратуры и другие правоохранительные органы для решения вопроса о возбуждении уголовного дела, и другую информацию. Названные органы обычно имеют перспективные и текущие планы или программы своей деятельности, с которыми также необходимо знакомиться прокурору и организовывать свою работу, сообразуясь с этими плановыми документами.

Многочисленными сведениями о нарушении соответствующих законов обладают территориальные органы Министерства внутренних дел, таможенной службы и других органов исполнительной власти. Обширной и разносторонней информацией о состоянии законности и правопорядка в регионах располагают органы представительной и исполнительной власти и органы местного самоуправления.

Сводные данные о нарушениях законодательства,

регулирующего отношения в определенных сферах общественной жизни, могут быть получены прокурором в региональных государственных органах статистики. Данные о числе и суммах рассмотренных и удовлетворенных исков могут быть получены в судах и хозяйственных судах. Кроме того, в судах прокуроры получают сведения о числе лиц, привлеченных к административной ответственности. Сведениями о несоблюдении требований государственных стандартов обладают региональные представительства Узбекского государственного центра стандартизации метрологии и сертификации. Банковские, финансовые и налоговые органы обладают сведениями о поступлениях средств, взыскиваемых с виновных по решениям судов и органов, обладающих правом применения административных санкций.

В процессе организации работы по надзору за исполнением законов необходима прокурору информация о нарушении законов может быть получена в различных общественных организациях. Соответствующую информацию прокуроры получают при изучении и расследовании уголовных дел, при участии в рассмотрении судами уголовных, гражданских и хозяйственных дел, дел об административных правонарушениях.

Встречаясь с трудовыми коллективами, гражданами по месту их жительства, с работниками профсоюзных органов, ведя прием посетителей, участвуя в работе представительных и исполнительных органов власти, различных совещаний и заседаний, прокуроры нередко получают информацию о нарушениях законов. Разносторонние контакты прокуроров с правоохранительными органами и органами контроля, с руководителями органов власти и управления, с депутатами служат также обогащению информационной базы прокурорского надзора за исполнением законов.

Не следует сбрасывать со счетов и такой емкий источник информации, каким являются личные (визуальные) наблюдения прокуроров и восприятие ими реальной действительности.

Полученная прокурором информация о нарушениях законов подлежит тщательному анализу, который позволяет видеть реальное состояние исполнения законов, определить те законы, которые нарушаются чаще, органы и должностные лица, допускающих эти нарушения. Глубокий и всесторонний анализ позволяет прокурору определить содержание первоочередных мероприятий, которые в наибольшей мере могут способствовать предупреждению нарушений законов, в том числе наметить органы, где проверки исполнения законов надлежит провести в первую очередь. Анализ позволяет определить также те проверки, проведение которых следует поручить другим органам, что помогает более целенаправленно осуществлять прокурорский надзор за исполнением законов. Работа по надзору

за исполнением законов организуется на плановой основе. Отдельные планы работы по надзору за исполнением законов, как правило, не составляются. Соответствующие мероприятия, объединенные в самостоятельный раздел, включаются в перспективные и текущие планы работы прокуратуры. Это прежде всего такие мероприятия, как: проведение проверок исполнения законов в связи с сигналами об их нарушении; проверки законности издаваемых правовых актов; проведение совместных или одновременных с другими органами проверок исполнения законов; подготовка актов прокурорского надзора (реагирования), в том числе обобщенных представлений, а также информации по результатам изучения правоприменительной практики; подготовка и предъявление исков и заявлений в суды; подготовка методических рекомендаций по проведению проверок исполнения законов; проведение разного рода предупредительно-профилактических мероприятий (бесед, выступлений в средствах массовой информации и т.п.).

Полученная и накопленная информация в прокуратуре подлежит соответствующей обработке, которая в основном связана с ее анализом. Существование анализа выражается в обобщении информации и оценке.

В процессе аналитической работы поступившие сведения систематизируются по территориям наибольшего распространения правонарушений, основным объектам нарушений законов, в некоторых случаях по кругу лиц, допустивших нарушения, степени распространенности нарушений. Кроме того, информация об исполнении законов анализируется в динамике (полугодие с полугодием, год с годом).

При определении и анализе распространенности, структуры, динамики нарушений законов важно выделить, идя от частного к общему, характерные тенденции и взаимосвязи явлений, а на основе изучения фактических данных сделать обобщающие выводы, верно отражающие состояние законности, прокурорского надзора.

Анализируя нарушения законов, вначале обобщается и оценивается те из них, которые особенно беспокоят общество, являются "болевыми точками" той или иной территории. К их числу относятся нарушения в сфере экономики, в области защиты прав и свобод граждан, в области конституционной законности (незаконность правовых актов, издаваемых органами власти, местного самоуправления, общественными объединениями), в сфере борьбы с преступностью.

На практике также не стоит ограничиваться анализом только статистических данных, их следует дополнять выборочными исследованиями, конкретными проверками исполнения законов на определенных объектах или территориях.

Анализ состояния борьбы с преступностью как

составной части законности отличается прежде всего своим предметом, включающим обобщение и оценку таких характеристик преступности, как: уровень, распространенность, структура, динамика, раскрываемость и иные показатели, связанные с преступными проявлениями, причинами и условиями, способствующими их совершению.

Уровень или состояние преступности отражает количество преступлений, совершенных в течение анализируемого периода на определенной территории. Этот показатель, как правило, является доминирующим при характеристике преступности.

Основными источниками информации о преступности являются оперативная информация, поступающая в прокуратуру в виде сводок, сообщений, донесений; данные государственной статистики о преступлениях; материалы уголовных, гражданских дел, прокурорских проверок.

Для полноты и конкретизации анализа состояния преступности устанавливается степень распространенности преступности среди отдельных групп населения в зависимости от возраста, пола и т.п. Особо обычно выделяется преступность среди несовершеннолетних.

Структура преступности раскрывает соотношение отдельных видов или групп преступлений в общей их совокупности. Конкретным показателем структуры является удельный вес тех или иных преступлений.

Динамика преступных проявлений показывает изменение состояния и структуры преступности во времени. Данные об этом должны сравниваться за сопоставимые периоды.

При оценке состояния преступности необходимо всегда помнить, что определенное количество преступлений остается вне учета и не входит в уголовную статистику. Это латентные преступления, а также незарегистрированные из-за несоблюдения порядка и правил учета. По этим причинам нужно весьма осторожно относиться к выводам о состоянии преступности и законности, сделанным только на основе статистических показателей о количестве зарегистрированных преступлений без учета фактического состояния правопорядка, действенности принимаемых мер по их выявлению, пресечению и предупреждению.

Из этого вытекает, что анализ состояния законности надо вести комплексно, по различным направлениям, используя разнообразную информацию, с применением специальных методов, способов и средств.

По результатам анализа работы прокуратуры выпускаются обобщения, обзоры, экспресс-анализ нарушений законов, практикумы прокурорского надзора, примеры положительного и отрицательного опыта прокурорской и следственной деятельности.

Ещё одним из важнейших элементов аналитической деятельности и планирования является коллегии

органов прокуратуры. Коллегии, образуемые в Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, прокуратуре Республики Каракалпакстан, прокуратурах областей, города Ташкента и приравненных к ним прокуратурах, являясь совещательными органами, рассматривают вопросы, касающиеся состояния законности и преступности, деятельности органов прокуратуры, исполнения приказов и указаний Генерального прокурора Республики Узбекистан, подбора, расстановки кадров, и иные вопросы, заслушивают отчеты прокуроров, руководителей структурных подразделений и других работников органов прокуратуры. По итогам своей деятельности коллегии принимают решения о дальнейшей деятельности всего органа, структурного или территориального подразделения прокуратуры, составляются соответствующие планы, также определяются приоритетные задачи и цели.

Качественное ведение информационно-аналитической работы позволяет прокурорам выявлять отрицательные тенденции, возникающие в практике исполнения законов, а в зависимости от серьезности допущенных нарушений и существующих приоритетов, общего состояния законности и правопорядка намечать конкретные цели и предполагаемую результаты деятельности. В свою очередь постановка четких целей является одним из основных условий формирования каждой прокуратурой планов работы, выполнение которых направлено на достижение желаемых результатов.

Планирование, основываясь на глубоком и всестороннем анализе состояния законности, не всегда следует за аналитической работой, а будучи функцией управления, выступает способом организации этой работы, развивает и направляет учет, обработку и оценку соответствующей информации. В этом проявляется взаимная связь планирования и информационно-аналитического обеспечения.

Сущность планирования состоит в определении целей деятельности прокуратуры, формировании конкретных мероприятий для достижения этих целей, сроков исполнения мероприятий и их исполнителей.

К типичным мероприятиям, включаемым в план, относятся такие, как: подведение итогов деятельности прокуратуры за определенный период, обсуждение их на межведомственных совещаниях, прокурорские проверки исполнения законов, обобщения практики прокурорского надзора и его организации, мероприятия, связанные с повышением деловой квалификации, заседание коллегии и другие.

Правильное и качественное планирование является залогом успешной деятельности как определенного органа в целом, так и его отдельной структурной единицы.

Планы должны быть комплексными, конкретными по предмету, месту, лицам и срокам его исполнения, реальными, т.е. основываться на правильном расчете имеющихся сил, средств и времени, необ-

ходимых для их выполнения.

В органах прокуратуры применяют три вида планов:

- а) перспективное планирование (на год и более);
- б) текущие (полугодовые, квартальные и месячные);
- в) краткосрочное (недельные, ежедневные).

Опыт планирования показывает, что наиболее распространенным является составление полугодовых планов. По таким периодам планируется работа Генеральной прокуратуры, а также прокуратур административно-территориальных единиц.

Разновидностями планов являются планы координации деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью, по повышению деловой квалификации, планы стажировки, планы проверки состояния работы подчиненных прокуратур и другие.

Существуют различные способы подготовки планов. В отдельных случаях идут по пути формирования планов "снизу", т.е. подчиненные прокуратуры с учетом состояния законности на местах самостоятельно определяют плановые мероприятия. В некоторых других случаях, что является более целесообразным, предварительно согласовываются цели и мероприятия, включаемые в план работы нижестоящих прокуратур, с целями и задачами вышестоящих органов прокуратуры.


Процесс планирования обычно состоит из сбора необходимой информации, анализа состояния законности, разработки прогнозов, подготовки проекта плана, обсуждения проекта плана, утверждения плана и организации исполнения плана.

Кроме планирования работы прокуратуры в целом, осуществляется также планирование работы каждого прокурора и следователя. Индивидуальное планирование существенно помогает распределить время для достижения результативности в работе, способствует повышению организованности и профессионализма прокурорских работников.

Следует отметить, что эффективное планирование и грамотное распределение работы в Высших учебных курсах Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан позволяет добиваться положитель-


ных результатов в работе по повышению квалификации и переподготовки кадров в органах прокуратуры.

Объём учебных нагрузок в 2009 году



Особо интересен тот факт, что разумное распределение нагрузок и индивидуальное планирование позволяет увеличивать число слушателей, сохраняя высокий уровень обучения, внедряя при этом инновационные методы обучения и новейшие педагогические технологии.

Число слушателей курсов повышения квалификации



В заключении следует отметить, что результативность деятельности органов прокуратуры во многом зависит от эффективной деятельности информационно-аналитической службы и качества планирования деятельности данного органа. Правильная организация работы и целенаправленное управление процессами аналитической деятельности и планирования обеспечивают слаженность и ритмичность функционирования всей прокурорской системы, направляют деятельность прокурорских работников на выполнение стоящих перед ними практических задач.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола прокуратура органлари тизимида ташкилий-назорат ва таҳлилот ҳамда ва режалаштириш фаолиятининг илмий-ҳуқуқий таҳлилига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятининг ҳозирги кун нуқтаи назаридан долзарблиги ҳақида фикр юритмоқда. Асосий қисмда эса муаллиф прокуратура органларида амалга оширилаётган ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятинининг таҳлили ёритилган, аниқ статистик маълумотлар келтирилган. Хулоса қисмида муаллиф ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятининг муҳимлиги ва долзарблилиги тўғрисида гап юритиб, амалий ва услубий тавсияларни илгари сурган.

¹ Р.Х. Кадыров. Защита прав и свобод граждан - главная цель судебно-правовых реформ // Узбекистан Республикаси Бош прокурори Рашидjon Хамидович Қодировнинг оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар тўплами. - Т.: - 2010. Ст. 328.

**Муҳитдин ҚИЁМОВ,
Тошкент вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустақиллик йилларида Республика қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар юз берди ва бу соҳа тармоғини бозор муносабатлари шароитида ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Аграр — индустриал давлат ҳисобланган Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги устувор тармоқ бўлиб, уни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов қишлоқ хўжалигининг юртимиз бугуни ва келажакда тутган ўрнини юқори баҳолаб, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтириш айнан аграр соҳада амалга ошириладиган ислоҳотлар муваффақияти билан боғликлиги таъкидлаган эди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига доир қонунчилик тизимининг шаклланиб, такомиллашиб бориши прокуратура органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклармоқда. Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Асосий эътибор, пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилинишининг олдини олиш, фермер хўжалиklarининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

2010 йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 182 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 12856 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 426 та протест келтирилиб,

прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 2406 нафар шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 282040,0 минг сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди, судларга 3461251,0 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича 1198 та аризалар киритилди. Шунингдек, давлат ёки жамият манфаатларига 2204,1 млн. сўмлик зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳолатлари юзасидан 89 та жиноят ишлари қўзғатилди ва 575 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланган, жиноят оқибатида етказилган зарарларнинг 10,0 млн. сўми текширишда, 741,0 млн. сўми дастлабки тергов жараёнида ихтиёрий қопланди.

Ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш борасида олиб борилган назорат тадбирларида вилоятда пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklари томонидан жами 947,0 гектар чигит экилиши лозим бўлган ер майдонларига ноқонуний равишда ижара шартномасида назарда тутилмаган бошқа экинлар экилганлиги аниқланиб, тўлиқ чигит экилиши таъминланди. Айбдорларга нисбатан 50 та интизомий, 312 та маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят ишлари қўзғатилди ва 326 гектар ер майдони давлат заҳирасига қайтарилди.

Вилоятдаги Янгийўл ва Пискент туманида чигит экилиши белгиланган ерларга чигит экилмасида, бу ҳолатлар назорат идоралари мутасаддилари томонидан расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар киритиш йўли билан яширилиши натижасида ерлардан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўйилган.

Янгийўл туман прокуратураси 2010 йил ҳосили учун экилган майдонларда ўтказилган мониторингларда, Назарали Ниёзов массивидаги "Баракали Соҳибкор" фермер хўжалиги томонидан 4,1 гектар, "Қосимбек Отабек" фермер хўжалигида 1,6

гектар, "Холиббой Дехқон" фермер хўжалигида 5,3 гектар, "Саховатли Умид" фермер хўжалигида 5,6 гектар, "Тўйчи хожи файз" фермер хўжалигида 0,8 гектар, "Абдуфаттоҳ Фатхулла" фермер хўжалигида 5,9 гектар, "Саховатли Ўлка" фермер хўжалигида 2,3 гектар ва "Холдорбой файз" фермер хўжалигида 0,7 гектар ер майдонларига режага нисбатан кам чигит экилганлиги, ушбу ҳудудга бириктирилган туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри инспектори Ш.Т.Раимқулов ва бошқа мансабдор шахслар томонидан амалда чигит экилмаган майдонларга чигит экилганлиги тўғрисида сохта сертификат берилганлиги аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан 2010 йил 19 май куни туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят ишлари қўзғатилган.

Оҳангарон туман прокуратураси томонидан 2010 йил ҳосили учун давлатга бошоқли дон харид қилиш юзасидан тузилган шартномаларни қонунийлиги ўрганилганида аниқланишича, туман ҳокимининг 2009 йил 14 сентябрдаги 374-сонли қарорига асосан тумандаги "Жондор" фермер хўжалиги 38 гектар ер майдонига 2010 йил ҳосили учун бошоқли дон экиб, ҳосилдорлик 53,7 центнерга белгиланган ҳолда 204 тонна яппи ҳосил олиниши ва давлатга 102 тонна бошоқли дон сотиши режалаштирилган бўлса-да, фермер хўжалиги раҳбари И.Болғинбоев ва "Оҳангарондон" ОАЖ мансабдор шахслари ўзаро келишиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасидаги "халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги ҳақида"ги талабларни қўпол равишда бузиб, фермер хўжалигининг 35 гектарига бошоқли дон экиш ва давлатга 77 тонна бошоқли дон етказиб бериш ҳақида 2009 йил 18 сентябрь куни 243-сонли контрактация шартномасини имзолаганлар.

Фермер хўжалиги раҳбари И.Болғинбаев томонидан контрактация шартномаси талабларига ҳам риоя этилмасдан 33 гектарга бошоқли дон экилиб, дон экилиши режалаштирилган ер майдонининг 1,5 гектарига режасиз беда озуқа экини экиб юборилиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан Оҳангарон туман прокуратураси томонидан 2010 йил 20 март куни "Жондор" фермер хўжалиги раҳбари И.Болғинбаев ҳамда "Оҳангарондон" ОАЖ мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят ишлари қўзғатилиб, уларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан Қибрай туманида хўжалик юритувчи субъектлар

ва фуқаролар томонидан ерлардан фойдаланилишини қонунийлиги ўрганилганида, туманда 2000-2008 йиллар давомида 30 та ҳолатда ажратиб берилган 138 гектар ер майдонидан 35 гектардан фойдаланилмаётганлик аниқланиб, 2010 йил 21 май куни туман ҳокими номига тақдимнома киритилган.

Айрим ҳолларда туман ҳокимлари томонидан экинларнинг ноқонуний жойлаштирилиши хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ерлардан мақсадсиз фойдаланишга шарт-шароит яратиб бермоқда. Ўрта Чирчиқ туман ҳокимининг 2010 йил 11 февралдаги "2010 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришнинг ташкилий чоратадбирлари тўғрисида"ги 46-сонли қарори билан тумандаги ер ижара шартномасига кўра пахта ва ғаллачилик йўналишидаги 21 та фермер хўжалиklarининг жами 600 гектар ер майдонларига шולי экинлари ноқонуний жойлаштирилган. Туман ҳокимининг мазкур қарорига нисбатан туман прокуратураси томонидан 2010 йил 29 март куни протест келтирилиб, Ўртачирчиқ тумани ҳокимига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган. Худди шу каби, Оққўрғон туман ҳокимининг 2010 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳақидаги ноқонуний қарори туман прокурорининг протестига асосан бекор қилинган.

Бундан ташқари, вилоятнинг барча туманларида фермер хўжалиklarининг ер балл бонитети турли бўлса-да, ғалла ҳосили қайд этилган йўриқномага зид равишда бир хил центнер ҳисобида жойлаштирилиб, ҳосил ҳажми бонитет ҳисобига турли жойлашишига йўл қўйилган. Масалан, Паркент туманида 2010 йил ҳосили учун бошоқли дон экини 60 центнер ҳисобидан ҳар бир фермер хўжалиklarига белгиланган бўлса-да, уларнинг ер майдонларининг балл бонитети турлича бўлиб, ушбу балл бонитетга нисбатан ҳосилдорлик номуносив белгиланган.

Вилоят прокуратураси томонидан барча туман ҳокимларининг юқорида қайд этилган қарорларига нисбатан уларни қонун талабларига мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилиб, уларнинг кўриб чиқиш натижаларига кўра барчаси қаноатлантирилган ва ернинг кадастр баҳосига мувофиқ пахта ҳосили 5039,4 тоннага, ғалла 8619,6 тоннага кўпайтирилган. Ғалла йиғим терими натижасига кўра, протестнинг кўрилиши муносабати билан ҳосилдорлиги қонунга мувофиқлаштирилган фермер хўжалиklари томонидан илгариги контрактация шартномаларидаги миқдорга нисбатан 7627,6 тонна кўп ғалланинг давлатга сотилиши таъминланган.

Ер ажратишда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган тадбирларда 48 та ҳолатда мансабдор шахслар томонидан 271,05 гектардан ортик

ер майдони қонунсиз ажратилганлиги, айниқса фермер хўжаликлари томонидан ўзларига бириктирилган ер майдонларини уй-жой қуриш ва бошқа мақсадларда фуқароларга бериб юбориш ва сотиш ҳолатлари фож этилиб, 25 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Бўка туман, "Улуғбек" номли фермерлар уюшмасидаги собиқ "Хусан ўғли Бегзод" фермер хўжалиги раҳбари Б.Х.Норов мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, шу хўжаликда яшовчи фуқаро Х.Тонгатаровга 2006 йил март ойида 0,15 гектар ер майдонни 2500,0 минг сўмга сотиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган. Мазкур ҳолат юзасидан 2010 йил 30 март куни Бўка туман прокуратураси томонидан фуқаро Б.Х.Норовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди, 206-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Дехқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратурасининг доимий эътиборида бўлиб келди. Бу жараёнда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди.

Прокуратура органлари томонидан 1 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиб, банкда ҳисоб-рақами очишда амалий ёрдам кўрсатилди. Уларга 299,5 млн. сўм кредитор ва 15,0 млн. сўм дебитор қарзларни ундириш, 121,1 млн. сўмлик банк кредитлари олишда, 79,3 гектар ер, 10359,5 тонна минерал ўғит, 735,5 тонна нефть маҳсулотлари, 16 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 7,6 тонна омухта емнинг қонуний асосда ажратиб берилишида кўмаклашилди.

Ўрта Чирчиқ тумани прокуратураси томонидан жорий йилнинг май ойида кредит маблағларини ажратилишини қонунийлигини ўрганиш натижасида тумандаги "Мухаммадали Юксак" фермер хўжалигига ОАТБ "Агробанк" Тўйтепа филиалидан 2010 йил 12 май куни жамғарма ҳисобидан 2010 йил пахта хомашёсини етиштириш бўйича 3 фоиз ҳақ тўлаш шarti билан 18 ой муддатга 105.600.720 сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши таъминланган.

2010 йилнинг 2 апрель ҳолатига вилоят бўйича жами 8767 гектар майдонларга чигит экилган бўлиб, "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг филиаллари томонидан ушбу кун ҳолатига етказиб берилган минерал ўғитлар миқдори ҳақидаги маълумотлар билан солиштирилганида, 4290 гектар майдонга чигит минерал ўғит билан экилиб, 4477 гектар, шу жумладан, Оққўрғонда 793 гектар, Бекободда 539 гектар, Қуйи Чирчиқда 1953 гектар, Юқори Чирчиқда 422 гектар, Пискентда 192 гектар, Ўрта Чирчиқда 1057 гектар ва Янгийўлда 86 гектар майдонларга чигит азотли ва фосфорли ўғитларсиз экилишига йўл қўйилган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг 23.02.2010 йилдаги "2010 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги 1288-сонли Қароридаги чигитни минерал ўғитлар билан экилишини таъминлаш ҳақидаги талаблар бузилишига йўл қўйилган. Ушбу қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида вилоят ҳокими ва 9 та пахтачиликка ихтисослаштирилган туман ҳокимлари ҳамда "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раисига тақдимнома киритилган ва уларнинг кўрилиши натижасига кўра айбдорларга интизомий жазо чоралари қўлланилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга 3269,9 тонна минерал ўғитлар ажратилиши таъминланган.

Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 январдаги "Қишлоқ хўжалигини ўсимликларини ҳимоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 272-сонли Қарори ижроси юзасидан вилоятдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ҳамда биолоборатория ва биофабрикаларда 2010 йилги мавсумга биомаҳсулотлар ишлаб чиқариш учун озуқа базасини яратилиш аҳволи ўганилганида масъул мансабдор шахслар томонидан ҳаракатсизликка йўл қўйилиши ҳоллари аниқланиб, қонунбузилиш ҳолларига йўл қўймаслик хусусида 85 нафар мансабдор шахсга огоҳлантирув эълон қилинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишлик учун маҳаллий ҳокимликлар ва жойларга 15 та тақдимномалар киритилди. 12 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, биолобораториялари учун 11 тонна шакар, 305 кг мева ва мева қоқи захираларининг яратилишига амалий ёрдам кўрсатилиб, 2010 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон ва пахта экинлари учун биомаҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ярим йиллик кўрсаткичларининг бажарилишига эришилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 2010 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон ва ғўза экинларининг парваришида агротехник тадбирларнинг олиб борилиш аҳволи мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўрганилганида, барча туманларда ғалла ва чигит экилган ер майдонларини суғориш тармоқлари мавсумга тайёрланмаганлиги, белгиланган тартибда суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, чопиқ, минерал ўғитлар билан озуклантириш, зарарли ҳашаротлар ва қасалликлар тарқалишини олдини олиш, маҳаллий ўғит чиқариш каби тадбирлар сусткашлик билан амалга оширилаётганлиги ва белгиланган ўлчамга дала назоратчилари ва аграномлар бириктирилмаганлиги оқибатида 6890 гектар майдондаги ғалла, 2416 гектар майдондаги ғўза ривождан орқада қолишига йўл қўйил-

ганлиги аниқланди. Натижада 15 та туман ҳокимларига тақдимномалар киритилиб, 478 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилган, айбдор шахсларнинг 117 нафарига интизомий, 314 нафарига маъмурий жавобгарлик бўйича 3 та жиноят ишлари қўзғатилиб, тақдимномаларнинг муҳокамасига кўра маҳаллий ҳокимликлар томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларнинг ижроси қатъий назоратга олинганлиги натижасида ғалла ва пахта майдонларига 912 нафар дала назоратчилари ва агрономлар бириктирилиши, ғалла учун 3835,30 тонна ва ғўза учун 3254,3 тонна минерал ўғит ажратилиши, 39262 гектар майдон чопиқ, 104546 гектар майдоннинг 5 мартадан кўп култивация қилиниши, ғалла ва ғўза майдонларини 104546 гектарига зарарли ҳашаротлар ва касалликларга қарши ишлов берилиши таъминланиб, ғалла ҳамда ғўза майдонларининг ҳолатини тикланишига эришилган.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга 2010 йил ҳосили учун сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари жойлаштирилишининг қонунийлиги ўрганилганда маълум бўлдики, вилоятда тақсимотга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экин майдонларига 2010 йил ҳосили учун жойлаштирилган сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари ҳажми ўтган йилга нисбатан солиштирилганида сабзавот 110 фоиз, полиз 112 фоиз, картошка 112,5 фоиз, мева 119 фоиз, узум 98 фоизга кам жойлаштирилган. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва туман ҳокимлари номига 16 та тақдимнома киритилиб, уларнинг муҳокамасида бўлим ходимлари ва туман прокурорларининг иштироки тўлиқ таъминланди ва муҳокама натижасига кўра туман ҳокимликлари томонидан қайд этилган экин турларини жойлаштириш ҳақидаги қарорлари Ҳукумат талабига мувофиқлаштирилди.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси мутахассисларини жалб қилган ҳолда вилоятдаги фермер хўжаликларининг экин майдонлари мониторинг тартибида ўрганилганида аниқланишича, хўжаликлар ижарасидаги ер майдонларида 2010 йил ҳосили учун вилоят бўйича баҳоси 100457,0 млн. сўмлик 315850 тонна эртаги сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум ва бошқа озуқа экинлари етиштирилаётган бўлса-да, банк муассасаларидан олинган маълумотларга кўра улар томонидан мониторинг ҳолатига маҳсулот сотувидан тушган тушумнинг 3451 млн. сўми ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳосининг 3,4 фоизи банкдаги ҳисоб рақамларига кирим қилинган.

Бундан кўринадики, вилоятда Ҳукуматнинг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини

оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 264-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 280-сонли қарорлари ижросига қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича эътиборсизлик билан ёндашилаётганлиги оқибатида хўжаликларнинг низом жамғармалари вилоят бўйича 39,3 фоизгагина шакиллантирилган, холос.

Хўжаликларнинг савдодан тушган пул маблағларини уларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари орқали айланмасининг таъминланмаслиги ва низом жамғармасини белгиланган меъёردа шакллантирилмаслиги, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга салбий таъсирини кўрсатиб, дебитор ва кредитор қарздорликларини йилдан-йилга ўсишини юзага келтираётганлигини ҳамда ушбу масала юзасидан туман ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг I-моддасидаги ҳокимлар жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини таъминлаш, банк муассасалари ва Давлат солиқ инспекцияларининг ушбу масалага доир вазифалари етарли мувофиқлаштирилмаганлиги, ўз навбатида улар томонидан Ҳукуматнинг қайд этилган қарорларидаги савдо ташкилотларининг кунлик тушумлари ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши, касса интизомига қатъий риоя этилиши, нақд пул муомаласи қоидалари ва нормаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари ҳақидаги талаблар лозим даражада бажарилмаётганлигини инобатга олган ҳолда вилоят ҳокимлиги, Давлат солиқ бошқармаси ва Марказий банк бошлиғи номига тақдимнома киритилган. 2010 йил 25 июнь куни тақдимнома масъуллар томонидан биргаликда муҳокама этилиб, тилга олинган ҳаракатсизликка барҳам бериш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши таъминланиб, июль ойи якунига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳисоб рақамига маҳсулот сотувидан 2595 млн. сўм нақд пул кирим қилиниши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида"ги 1046-сонли Қарорининг ижросини ўрганиш натижасига кўра, вилоят прокуратурасининг фуқаролик судларига киритилган даъво аризаларига мувофиқ судларнинг қонуний қарорларига асосан Янгийўл туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш Давлат корхонаси томонидан Янгийўл тумани, Охунбобоев ва Данғар кўчаларидаги 3 километр автомобиль йўлини ҳамда Чиноз тумани йўл

хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш Давлат корхонаси томонидан "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз" М-39 автомобиль йўлининг 833 километридаги йўл ўтказгични бир ой муддатда таъмирлаш-тиклаш ва "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси томонидан Паркент тумани "Навбахор" қишлоғига 6,4 км. масофада газ қувурини тортиш ишлари ташкил этилган.

Шунингдек, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича ҳам доимий назорат олиб борилмоқда. Тизимда қонунбузарликларга барҳам берилмаганлиги оқибатида, биргина 2009 йил ҳосилидан 1,7 тоннадан ортиқ техник чигит талон-торож қилинганлиги аниқланиб, 1 та жиноят иши қўзғатилган.

Бекобод туманидаги "Далварзин" пахта тозалаш заводи очик турдаги акциядорлик жамияти бош муҳандиси М.Юсупов, бош ҳисобчи И.Шерматов, корхона ҳуқуқшуноси С.Ярлақабов ва техник назорат бўлими ишчиси С.Мирзарахматовлар томонидан 2009 йил ҳосилидан тайёрланган қиймати 63,3 млн. сўмлик 1741 тонна техник чигит талон-торож қилинганлиги аниқланиб, уларга нисбатан Бекобод тумани прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди ва 167-моддаси 3-қисми "а" бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлардан етказилган зарарларни тўлиқ ундирилиши таъминланган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларни минерал ўғитлар билан таъминлаш, ўғитларни сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда 516,4 тонна 161,3 млн. сўмлик минерал ўғитлар талон-торож қилинганлиги ҳолатлари аниқланиб, 9 та жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов жараёнида 104 млн. сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилган.

Оҳангарон туманидаги "Бекмурод ота" фермер хўжалиги раҳбари Р.Байназаров ва "Мадазим Бахтиёр Ҳикмати" фермер хўжалиги раҳбари Б.Нишонлар 2010 йил ҳосили учун экилган ғаллага сепиш учун "Қишлоқхўжаликкимё" туман филиалидан 2010 йил 2 март куни олинган 3200,0 минг сўмлик 182 та қопдаги 9,1 тонна аммиакли селитра минерал ўғитини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар. Мазкур ҳолат бўйича 2010 йил 17 март куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" банди ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва айбдор шахслардан етказилган зарар тўлиқ ундирилган.

Прокуратура органлари томонидан сув ресурслари, гидротехника ва мелиорация иншоотларидан фойдаланишда исрофгарчилик ва хўжасизлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбир-

лар натижасида соҳада йўл қўйилган суиистеъ-молчиликлар, 107,1 млн. сўмлик бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ва талон-торож қилиниши ҳоллари аниқланган.

"Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация ҳавза бошқармасида вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда, бошқармага қарашли "Паркент-Қорасув" ирригация тизими мансабдор шахслари томонидан 2008-2009 йилларда сел ҳамда тошқин сувлардан химоялаш ишларини бажариш жараёнида ҳисоботларда бажарилган ишлар қўшиб ёзиш йўли билан бюджетнинг 37,0 млн. сўмлик маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, 2 та жиноят ишлари қўзғатилган. Ушбу ҳолат юзасидан 10508 минг сўмлик зарар ихтиёрий қопланган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан ўтказилган тадбирлар натижасида 564,0 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, 12 та жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган дастлабки тергов натижасига кўра 70,0 млн. сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиши таъминланган.

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланиши таъминланмаганлиги оқибатида, шунга йўналтирилган 341,0 млн. сўм талон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 307,5 млн. сўмдан ортиқ зарарнинг айбдорлардан ундирилиб, 15 та жиноят иши қўзғатилган.

Бекобод туманидаги "Ойбек" МТП ОАЖ мансабдор шахслари томонидан буюртмачиларга олдиндан тўлов амалга оширилмай хизмат кўрсатилиши натижасида дебиторлик қарздорлик юзга келиб, 40 нафар механизаторларга 2009 йил июль ойидан 2010 йил март ойига қадар жами 12,2 млн. сўмлик иш ҳақи тўлаб берилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан Бекобод тумани прокуратураси томонидан 2010 йил 26 март куни "Ойбек" МТП мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ишчи хизматчиларнинг 12265,4 минг сўмлик иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланган.

Пискент тумани, "Кориз" ҚФЙ раиси Х.Зокиров 2009 йил давомида шу фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар Ш.Мусурмонқулов, Х.Утанбоев, О.Усмонов ва Х.Мавлоновларга кам таъминланган оилалар деб сохта маълумотларни тузиб берган. Бунинг оқибатида, ушбу фуқаролар тумандаги ДТ "Халқ банки" ва "Микрокредитбанк"дан асоссиз равишда 5400,0 минг сўмлик имтиёзли кредит маблағларини олганлар. Ушбу ҳолат юзасидан Пискент тумани прокуратураси томонидан 2010 йил 23 март куни фуқаро Х.Зокировга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Чорвачиликка оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 50,72 млн. сўмлик 150 бош чорва моллари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари бўйича 8 та жиноят ишлари қўзғатилган. Янгийўл туманидаги, "Ўзбекистон буюк" чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигининг 2008-2009 йиллардаги иқтисодий фаолияти таҳлил этилганда, фермер хўжалиги аъзолари С.Низомов ва А.Абдуқодировларнинг моддий жавобгарлигидаги 18414,0 минг сўмлик 120 бош қорамоллар талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан Янгийўл туман прокуратураси томонидан фермер хўжалиги мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларни бюджет маблағлари билан раҳбатлантириш аҳволи ўрганилганида 1371,4 млн. сўмлик бюджет маблағлари растрата йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланиб, олиб борилган тергов натижасига кўра 291,0 млн. сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиши таъминланган ва 1079,6 млн. сўмлик зарарни ундирилишини таъминлаш борасида пул маблағлари ноқонуний ўтказилган фермер хўжалиklarининг ҳисоб рақамлари бюджетга йўналтирилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири раислигида 2009 йил 10 ноябрь куни ўтказилган йиғилиш баённомаси қарорининг 3-банди 1-қисмида Республика Президентининг юқоридаги

қарори ижроси бўйича туман ҳокимлари раҳбарлигида махсус комиссия ташкил этилиши, 2-бандида 2009 йил 18 ноябргача туман комиссиялари томонидан жорий йилда тупроқ балл бонитети 60 баллдан кам бўлган ерларда пахта етиштирган фермер хўжаликлари, уларнинг ер майдонлари ва давлат эҳтиёжлари учун топширилган пахта хомашёси ҳажми тўғрисидаги маълумотларни аниқлаб, тегишли жадвалларни тўлдирган ҳолда вилоят комиссиясига топшириш юклатилган.

Юқоридаги қарор ва баённома ижросини таъминлаш мақсадида Юқори Чирчиқ туманининг махсус комиссияси томонидан 50 та, шундан 26 та ер баҳоси 60 баллдан юқори ердан фойдаланувчи фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш ҳақида вилоят комиссиясига таклиф берилганлиги натижасида, уларга 31,1 млн. сўмлик бюджет маблағлари ноқонуний ажратилган. Ушбу ҳолат юзасидан 2010 йил 8 июнь куни вилоят прокуратураси томонидан Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги қошидаги махсус комиссияси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а,в" бандлари ва 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, етказилган зарар тўлиқ ундирилиши таъминланган.

Мамлакатимизнинг фаровонлиги, иқтисодиёти мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожига билан боғлиқ. Шундай экан, вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича назорат тадбирлари давом эттирилади.



АННОТАЦИЯ

Эта статья посвящена приоритетным направлениям обеспечения законности в сфере сельского хозяйства. В ней освещаются приоритетные направления по обеспечению законности в сфере сельского хозяйства, осуществляется подробный обзор роли прокурорского надзора в сфере обеспечения законности в сфере сельского хозяйства. Так же в статье приводятся конкретные статистические данные и выдержки из материалов, представленных органами предварительного расследования. Кроме того, проводится научно-правовой анализ нормативно-правовых актов в данной сфере. В заключении автор приходит к выводу, что сельское хозяйство является важнейшей сферой экономики страны и является приоритетным направлением осуществления надзорной деятельности органов прокуратуры.

Аббос САНГИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Асосий қонунимизнинг 15- ва 16-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Бу нимада ўз аксини топади?

Биринчидан, Конституция олий юридик кучга эга бўлиб, Республикаимизнинг барча ҳудудида қўлланилади.

Иккинчидан, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Учинчидан, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас ҳамда улар фақатгина Конституцияга асосан ҳамда унинг ижроси учунгина қабул қилинади.

Ушбу тамойилнинг амалда қўлланилиши ва унга сўзсиз амал қилинишини таъминлаш мақсадида юртимизда бир қанча ҳуқуқий институтлар тизими ташкил этилган ва улар самарали фаолият юритмоқда.

Қонунийликни мустаҳкамлаш тизимида прокуратура органларининг ҳам ўрни алоҳида, конституциявий орган ҳисобланган прокуратура қонун устуворлигини таъминлашда муҳим вазифани бажармоқда.

Асосий қонунимизнинг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Мазкур конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида мундарица ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 29 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қонунлар ижроси устидан назорат янада кучайтирилди.

Асосий эътибор иқтисодиётни эркинлаштириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва унинг оқибатлари олдини олиш, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга қаратилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, жами 244 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Протест келтириш йўли билан қарийб 19 минг та қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга мувофиқлаштирилди, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари 24,5 мингга тақдимнома орқали бартараф этилди, келгусида қонунбузилишининг олдини олиш мақсадида 74 минг нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 95 мингдан ортиқ мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4627 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Прокурор текширишлари бўйича ихтиёрий ва фуқаролик, хўжалик судларига киритилган прокурор аризалари юзасидан чиқарилган суд қарорлари асосида ҳамда жиноят ишлари тергови давомида ундирилган жами зарар миқдори 346 млрд. сўмга етди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва бандлигини таъминлаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасини

қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва шу каби муҳим соҳаларда қонунийликни таъминлашга қаратилган қатъий чоралар кўрилди.

Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган имтиёзларни ваколатли идоралар томонидан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада 1373 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ушбу соҳада ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 4644 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 155 млн. сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди, судларга 365 млн. сўмлик 344 та ариза киритилди. Жиддий қонунбузиш ҳолатлари бўйича 256 та жиноят иши қўзғатилди.

Иш ҳақи тўловларининг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан вазирликлар, идоралар ва корхоналарда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 7660 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Прокуратура органларининг аралашуви билан 10,2 млрд. сўм иш ҳақининг тўлаб берилиши таъминланди, бу борада етказилган зарарнинг 5,3 млрд. сўми ихтиёрий ундирилди. Жиддий қонунбузиш ҳолатлари юзасидан 135 та жиноят иши қўзғатилди.

Иш ҳақи учун банклардан олинган нақд пулни талон-торож қилиш ҳолатлари юзасидан халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимидаги мансабдор шахсларга нисбатан 51 та, бошқа корхона ва ташкилотларнинг мансабдорларига нисбатан 22 та жиноят иши қўзғатилди.

Уй-жой ва бошқа объектлар қурилишида шаҳарсозлик, архитектура ва соҳага оид бошқа қонунчилик талабларига риоя этиш, айниқса қишлоқ жойларни ободонлаштириш, ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш масалалари юзасидан алоҳида назорат ўрнатилди.

Жумладан, Бош прокурор фармойишига асосан шаҳарсозлик, архитектура ва соҳага оид бошқа қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳолини ўрганиш мақсадида прокуратура ходимлари вилоятларга бириктирилиб, улар масъулликда ишчи гуруҳлари тузилди ва тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда мониторинглар ўтказилди.

Мониторингларда 17565 та ҳолатда аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари ўз вақтида бажарилмаганлиги, ўзбошимчалик билан ёки лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқилган ҳолда қурилиш ишлари амалга оширилаётганлиги каби ҳолатлар аниқланди.

Айни пайтда, жойларда ҳокимлар томонидан мавжуд бош режа ёки батафсил режалаштириш

лойиҳаларига зид равишда ёхуд бош режа муаллифлари розилигисиз ва тегишли идораларнинг ижобий хулосаларисиз ер майдонлари ажратиш ҳолларига йўл қўйилган.

Текширишларда ҳокимларнинг бу соҳадаги қонуний 1800 та қарорини бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш ҳақида протестлар келтирилди.

Аҳоли иш билан таъминлаш масаласи доимий назоратда бўлиб, янги иш ўринлари ташкил этиш, ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган мутасадди идораларда ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 10547 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди, мансабдор шахсларнинг 2457 нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар юзасидан 59 та жиноят иши қўзғатилди.

Аҳолини бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган 647 та меҳнат ярмаркаларида ишсиз фуқаролардан 122 минг нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг маҳаллий ҳокимликлар, бошқарув идоралари, корхона ва ташкилотларда ижро этилиши юзасидан назорат тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш жараёнида асосий эътибор касаначилик асосида иш ўринларининг яратилиши, касаначиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зарур шароит яратиш орқали уларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилиб, аниқланган қонунбузишлар тегишли прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф этилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид қонунлар, айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижросининг сўзсиз таъминланишига қаратилган қатъий чоралар кўриб борилмоқда.

Маҳаллий ҳокимият, давлат бошқаруви, назорат ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қонун талабларининг бажарилиши устидан назорат янада кучайтирилди.

Назорат тадбирларида, ушбу идоралар томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар оқибатида

2921 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди.

Масалан, Бухоро вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан 14 нафар тадбиркордан 1,5 млн. сўм ортиқча давлат божи олинганлиги аниқланиб, тадбиркорларга қайтарилши таъминланди ва қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Бу каби ҳолатлар ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари, ер ресурслари ва давлат кадастри идоралари фаолиятида ҳам аниқланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Жойларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, маҳаллий ҳокимликларнинг қонунга зид 22 та қарор ва фармойишлари ҳамда назорат-текширув идораларининг 43 та асоссиз қарорлари бекор қилинди.

Тадбиркорликнинг ривожланиши йўлида маъмурий тўсиқ яратиш, бюрократия, тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашув ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга қонунда белгиланган қатъий чоралар қўлланилди.

Бу борада мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликлари юзасидан 32 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Хусусан, Тўрақўрғон туман бош архитектори Ф.Даминов 17 нафар тадбиркорнинг мурожатларини қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Ёки "Халқ банки"нинг Собир Раҳимов туман филиали бошқарувчиси Э.Алиев "Хожиакбар барака савдо" МЧЖ раҳбари Н.Содиқовадан кредит ажратиш эвазига тамагирлик йўли билан 2000 АҚШ долларини пора тариқасида олганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинди.

Шулар билан бирга, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатиши жараёнида дуч келаётган қийинчиликлар ва муаммоларни ўрганиб бориш, уларга амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, 245 нафар тадбиркорнинг муаммолари қонун доирасида ҳал этилди. Натижада 356 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат кучайтирилди. Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 3237 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. Жиддий қонун бузилишлар бўйича 38 та жиноят иши қўзғатилди.

Бу борада асосий эътибор инсон ҳуқуқларига риоя этилишига, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига, соғлиғини йўқотган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилиб, хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган ва мансабини суиистеъмол қилган тиббиёт ходимларининг жавобгарлиги қатъий ҳал этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ва унинг салбий оқибатларининг олдини олишга доир қонунчилик ижроси устидан назорат олиб боришда, банк ва банк фаолияти, тўлов интизоми, ёқилғи-энергетика ресурслардан оқилона фойдаланишга доир қонун талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Банклар ва нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартиришга оид қонунлар ижросини таъминлаш борасида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 8834 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. Жиддий қонун бузишлар бўйича 167 та жиноят иши қўзғатилди.

Шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва тўлов интизоми борасидаги қонун бузишлар юзасидан 4793 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, етказилган 127 млн. сўм зарар ихтиёрий ундирилди. Хўжалик судларига жами 31 млрд. сўмликдан ортиқ аризалар киритилди. Жиноят аломатлари аниқланган ҳолатлар бўйича 69 та жиноят иши қўзғатилди.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган назорат тадбирлари натижасида қарийб 48 мингта прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 10 минг нафардан ортиқ шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, етказилган 1,2 млрд. сўм зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди, 16 млрд. сўмдан зиёд зарарни ундириш юзасидан судларга 38614 та ариза киритилди.

Табийий газ ва электр энергияси таъминоти идораларининг мансабдор шахслари томонидан бундай ресурсларни истеъмолчиларга белгиланган тартибни бузган ҳолда етказиб бериш, уларнинг ҳисобини тўлиқ юритмаслик, тўловларни ундириш чорасини етарли кўрмаслик, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланганлик учун келиб тушган пул тўловларини талон-торож қилиш, тамагирлик каби ҳолатлар юзасидан 176 та жиноят иши қўзғатилди.

Шулар билан биргаликда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим, давлат мулкнинг сақланиши ва бюджет маблағларининг сарфланиши, ташқи иқтисодий фаолият ва хорижий инвестициялар, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, солиқ, банкротлик, бозорлар фаолиятини тартибга солиш, табиатни муҳофаза

қилиш каби соҳаларда қонунлар, республика Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан назорат тадбирлари изчиллик билан олиб борилди. Мазкур соҳаларда аниқланган қонун бузилишлар 12,5 мингдан ошқ прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида соҳада ўтказилган мониторинг ва текширишлар натижаси бўйича 597 та жиноят иши қўзғатилди, 21 мингга яқин мансабдорлар интизомий, маъмурий, моддий жавобгарликка тортилди, етказилган 1 млрд. сўмдан зиёд зарар ихтиёрий ундирилди. Судларга 28 млрд. сўмлик 8774 та ариза киритилди.

Бу йўналишда асосий эътибор, фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ер майдонларидан фойдаланишдаги қонун бузишларга чек қўйиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб боришга қаратилган қонунчилик талабларининг бажарилишига қаратилмоқда.

Назорат тадбирларида 5064 гектардан ортиқ экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланиб, ноқонуний фойдаланилган 1519 гектарга яқин ер майдони захира фондига қайтарилди.

Шунингдек, мансабдор шахслар томонидан 1036 гектар ер майдонини қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ноқонуний ажратиб бериш, моддий манфаат кўриш эвазига сотиб юбориш ҳолатлари аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида аниқланган жиддий қонун бузишлар юзасидан 20 та жиноят иши қўзғатилди.

Фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, уларга кредит ажратилиши, иш ҳақининг тўланиши борасида ўтказилган текширишларда 1,3 млрд. сўмнинг талон-торож қилинганлиги аниқланиб, ҳозирга қадар 439 млн. сўмдан ортиқ зарарнинг айбдорлардан ундирилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ғўзани навлари бўйича жойлаштириш, бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш, бундай экинлардан бўшаган майдонларни шудгорлашни ташкиллаштиришга оид

қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, бу борада аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини назорат қилиш ва ушбу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 25 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган 21,5 минг нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонун бузиш ҳолатлари юзасидан 646 та жиноят иши қўзғатилди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда вояга етмаган ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, болаларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, мактаблар ва коллежларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, таълим даражаси ва сифатини ошириш, коллеж ва лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу даврда қаровсиз ва назоратсиз қолган 1006 нафар ҳамда давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган 221,3 минг нафар болалар аниқланиб, уларни белгиланган тартибда жойлаштириш ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Дастурда назоратда тутилган масалалар юзасидан Бош прокуратура томонидан вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг маънавий негизларига путур етказиш, улар орасида зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бугунги кунда 2 таси қабул қилинди.

Шу билан бирга, Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органлари томонидан ижросини таъминлаш ахволини ўрганиш борасида ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 432 та тақдимнома киритилди, 304 та ноқонуний қарор прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди, 3043 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 560 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди, 48 млн. сўмлик зарар

ихтиёрий ундирилди, таълимнинг моддий техника базасини ривожлантиришга йўналтирилган 652 млн. сўмни талон-торож қилиш билан боғлиқ ва бошқа ҳолатлар бўйича 138 та жиноят иши қўзғатилди.

Ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиғини сақлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун ажратилган бюджет маблағларини талон-торож қилаётган мансабдорларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Масалан, Жаркўрғон туманидаги 43-сонли умумтаълим мактабга 72 турдаги 8,1 млн. сўмлик жиҳозлар ўрнатилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузилиб, ўзлаштирилганлиги ҳолати юзасидан туман халқ таълими бўлими, мактаб ва "Калорамма" хусусий корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтказилган 652 та меҳнат ярмаркаларида республика бўйича 85 мингдан ортиқ вояга етмаганлар, шундан 44 мингдан зиёд коллеж ва лицей битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Шу билан бирга, мактабларнинг 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси юзасидан қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф этилди.

Жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш чоралари кўрилиб, мазкур жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Наркотрафик, терроризм, одам савдоси каби трансмиллий жиноятларга ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш борасида Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар идоралари, Давлат божхона ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмиталари ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг Бош прокуратурада ўтказилган йиғилишларида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этишда тезкор фаолият ва тергов самарадорлигини ошириш, ушбу жиноятларнинг келиб чиқишига имкон яратадиган шарт-шароитларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш, одам савдосидан жабрланганларни ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари муҳофаза қилиниб,

бу борада зарур чоралар белгиланди.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган қонунлар ижроси прокурорларнинг доимий диққат марказида бўлиб, ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Ушбу тоифадаги жиноятларга қарши курашиш, бу борада профилактика ишларининг аҳоли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишларида муҳофаза қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур даврда прокуратура терговчилари томонидан қарийб 17 минг нафар шахсга нисбатан 9164 та жиноят иши судга юборилиб, жиноятлар оқибатида етказилган зарарнинг 305 млрд. сўмдан ортиғи ёки 94,4 фоизи тергов жараёнида айбдорлардан ундирилди.

Қатор мураккаб ва ўта оғир жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, айбдор шахсларга жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Айниқса, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган турли жиноятларни, коррупция кўринишларини фош этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази директори З.Саттаров ва бошқалар ўзганинг мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларни содир қилиб, 3,6 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағларини ўзлаштирилганликлари юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича 14 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. Терговда етказилган зарарнинг 3,5 млрд. сўмдан ортиғи айбдорлардан ундирилди.

Тергов ва суриштирув устидан доимий назорат олиб борилиб, асосий эътибор ушбу жараёнининг тўлиқ, холисона ва сифатли ўтказилишини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишига, процессуал мажбурлов чоралари қўлланишининг қонунийлигига қаратилмоқда.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашда фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Прокурорлар томонидан судларга киритилган аризаларнинг 65,5 млрд. сўмлиги қаноатлантирилди, шундан 36 млрд. сўмдан ортиғининг ҳақиқий ундирилиши таъминланди.

Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан доимий прокурор назорати таъминлаб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашда асосий эътибор вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги масъулиятини оширишга қаратилмоқда.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган даврда прокуратура органларида жами 69609 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилиб, уларнинг 29136 таси бевосита ҳал қилинди. 3994 та қаноатлантирилган мурожаатлар бўйича 6141 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Прокуратура органлари ходимлари томонидан

57502 нафар фуқаро қабул қилиниб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қонун доирасида тиклаш чоралари кўрилди.

Прокуратура органларининг фаолиятида ошкораликни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида деярли 76 мингта тарғибот тадбири ўтказилди, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали 14 мингга яқин чиқишлар қилинди.

Амалга ошираётган ишларимиз халқимизнинг эртанги фаровон турмуши, ёшларимизнинг порлоқ келажаги, қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини бир зум бўлса-да унутмаслигимиз даркор. Бу йўлда эса, албатта, адолат мезонларининг устуворлиги таъминланишини зарур.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли и месту прокуратуры в обеспечении верховенства закона. Во вводной части данной статьи автор осуществляет обзор основных положений принципа "верховенства закона" по действующему законодательству Республики Узбекистан. В основной части данной статьи проводится подробный анализ правоприменительной практики сфере обеспечения верховенства закона, роли и место органов прокуратуры в данной сфере, подробно освещаются национальные нормы правового регулирования данной сферы, приводятся точные статистические данные. В заключительной части автор обосновывает важности обеспечения верховенства закона для страны в целом, и отдельной личности.

Ҳожи-Акбар РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги,
ю.ф.д., профессор

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида ўз асосида инсоният жамияти тараққиёти давомида юзага келган, давлат томонидан у ёки бу ҳуқуқий шаклда рухсат берилган, мустаҳкамланган ёки тан олинган ахлоқ меъёрларини акс эттиради. Ҳуқуқ моҳияти тўғрисида ҳуқуқий адабиётларда турлича нуқтаи назарлар билдирилади. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ҳуқуққа жамиятнинг барча аъзолари, унинг алоҳида гуруҳ за тузилмаларига қаратилган ҳамда ижро этилиши давлат томонидан таъминланадиган ва кўриқланадиган меъёрлар, яъни хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидалари йиғиндиси сифатида қарайдилар. Ҳуқуқ меъёрлари норматив ҳужжатларда турли шаклларда мустаҳкамланади ва шу жиҳатдан уларга ахлоқ меъёрларидан фарқли равишда ҳуқуқ нормалари сифатида қаралади.

Ҳуқуқ меъёрлари ўзининг ички бирлиги туфайли ижтимоий муносабатларни шахс, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тартибга солишнинг асоси ҳисобланган алоҳида тармоқлардан (конституциявий, маъмурий, фуқаролик, оила, меҳнат, ер, жиноят процесси, фуқаролик процесси ва бошқалар) ташкил топади. Шу билан бирга ҳуқуқ тармоқлари улар томонидан тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва уларда иштирок этувчи субъектларнинг ваколатлигидан келиб чиқиб икки асосий туркумга бўлинади: оммавий-ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий.

Корпоратив ҳуқуқ маълум даражада оммавий ҳуқуқ ва асосан хусусий ҳуқуқ меъёрларидан ташкил топиб, фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида хусусий ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Давлат органлари томонидан чиқарилган оммавий ҳуқуқ меъёрлари жамиятнинг барча аъзоларига (ижтимоий манфаатлар, умумий манфаатлар) тегишли масалаларни тартибга солганлиги туфайли жамият, халқ эркини ифода этади. Барча аъзоларнинг манфаатлари асосан давлат ҳокимиятининг тузилиши, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, экологик одил судловни амалга ошириш каби масалалар доирасида жамланади. Оммавий ҳуқуққа

асосан муносабат субъектларининг ўзаро бўйсунлиши эса "вертикаль муносабат"ларда бўлади.

Хусусий ҳуқуқий меъёрлар — бу давлат томонидан қабул қилинган ва рухсат этилган, фуқаролар ва ташкилотларнинг манфаатларини ўз эрқларига мувофиқ ҳимоя этишлари учун улар мурожаат этишлари мумкин бўлган суд ва бошқа давлат органлари учун мажбурий бўлган хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидалари йиғиндисидир. Хусусий ҳуқуқ меъёрлари ўзаро тенглик ва мувофиқлик ("горизонтал муносабатлар") асосида муносабатга киришадиган субъектларнинг фақатгина алоҳида (хусусий) манфаатларини ифода этади. Хусусий ҳуқуқ характеридаги меъёрлар фақатгина ҳуқуқ субъектларининг эркига мувофиқ амалга оширилиб, фақат юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан амал қилади. Бундай меъёрларга нисбатан хусусий ҳуқуқ атамаси ишлатилади.

Кўриниб турганидек, ҳуқуқий тизим мажмуа тарикасида оммавий ва хусусий ҳуқуқдан ташкил топади. Корпоратив жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг у ёки бу ҳуқуқ тармоғида ва тегишлича, ҳуқуқ тизимининг у ёки бу тузилишидаги ўрнини аниқлаш имкониятини яратади.

Корпоратив жамият — бу юридик шахс ҳуқуқига, таъсисчилари ёки муассислари томонидан тақдим этилган алоҳида мол-мулк, капиталга, ўз номига эга бўлган ва ташқи корпоратив муносабатларда шу ном билан ҳаракат қиладиган, ўз мажбуриятлари юзасидан қонунга мувофиқ тарзда тақдим этилган ва рўйхатга олинган, махсус солиқ мақомига эга бўлган, ўзига қарашли мулк асосида мустақил жавоб берадиган, ташкилий-ҳуқуқий мажбуриятлар ва жамият мулкдорлари ҳақидаги маълумотларнинг сир тутилиши ҳақидаги алоҳида ижро тартибига эга бўлган фуқароларнинг бирлашмасидир.

Корпорация бирлашма, яъни фуқароларнинг иттифоқи сифатида оддий шерикчиликдан уюшган жамоа сифатида юридик шахс мақомига эгаллиги билан фарқ қилади. Бундай тузилма таркибидаги аъзоларнинг эрки гуруҳ манфаатлари билан аниқланади.

Ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларидан

келиб чиқиб, бир ҳуқуқ тармоғи меъёрларидан бошқа ҳуқуқ тармоғининг предметини ташкил этувчи муносабатларда фойдаланилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Ёки бўлмаса, битта ҳуқуқий ҳужжатда характериға кўра турли хил бўлган бир қанча муносабатларни (маъмурий, фуқаролик, хўжалик, корпоратив каби) тартибга солиш назарда тутилади. Тартибга солишнинг бундай тури амалиётда жуда кўл келади ва жамиятнинг у ёки бу ижтимоий ҳаётидаги муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида махсус қонун ҳужжатларида фойдаланилади. Масалан, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда вертикаль (оммавий ҳуқуқий) ва горизонтал (хусусий ҳуқуқий) муносабатларнинг тартибга солинишига дуч келамиз. Қонуннинг жамият низомининг тузилишини аниқлаб берувчи маълумотлар, уни рўйхатдан ўтказиш тартиби, жамиятнинг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари ҳақидаги меъёрлари ўзида оммавий-ҳуқуқий элементларни акс эттиради, жамият таъсисчилари ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги меъёрлар эса хусусий ҳуқуқий характер касб этади. Мураккаблашган элементли бундай ҳуқуқий муносабатлар нафақат корпоратив фаолият субъекти ҳисобланган акциядорлик жамиятлари фаолиятида, балки бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Корпоратив фаолиятнинг хусусий ҳуқуқий характерлиги нафақат Ўзбекистоннинг ички бозорида, балки хорижий шериклар билан бўладиган муносабатларда ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корпоратив ташкилотлар ўзларининг ташқи муносабатларида иқтисодий шериклари билан бўладиган муносабатларда ҳам, давлат органлари билан бўладиган муносабатларда ҳам миллий қонунчиликда ўрнатилган барча талабларга (рўйхатдан ўтиш, солиқ ҳисоби ва бошқалар) бўйсундилар. Шу маънода корпоратив фаолият чет эл компаниялари фаолиятининг шакл ва усулларида заррача ҳам фарқ қилмайди. Бундай ҳолларда корпоратив фаолият чет эл субъекти иштирокидаги корхона кўринишида юридик шахс тузиш, унинг филиал ёки ваколатхонасини ташкил этиш орқали, ташқи иқтисодий инвестиция шартномалари тузиш кабилар орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай турдаги корпоратив фаолият миллий ва халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади.

Корпоратив бошқарув тамойиллари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган ва 1999 йил 26-27 май кунлари ушбу ташкилот Кенгаши томонидан тасдиқланган эди. Шу вақтдан бошлаб бу тамойиллардан турли давлатлар қонунчилигини такомил-

лаштириш ва нисбатан яхши корпоратив ҳуқуқ-атворни шакллантириш мақсадида фойдаланилади.

ИХТТ ҳужжатида бешта асосий тамойиллар кўрсатилган ва тушунтириб берилган: 1) акциядорларнинг ҳуқуқлари; 2) акциядорларга нисбатан тенг муносабат; 3) корпорацияларни бошқаришда манфаатдор шахсларнинг роли; 4) маълумотни ошкор этиш ва ошкоралик; 5) директорлар Кенгашининг мажбуриятлари.

Қонунда ҳар бир тамойилнинг мазмунини тушуниш имкониятини берадиган қисқача шарҳ берилган. Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади — акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоялаш механизмларини ишлаб чиқиш, акциядорлар учун тенг муносабатларни таъминлаш, компания ҳақида ўз вақтида ва аниқ маълумотлар (унинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотни инобатга олган ҳолда) билан таъминлашдан иборат.

Хусусий ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари фуқаролик ҳуқуқининг моҳиятини ва тегишinchа хўжалик жамиятлари иштирокчиларининг ҳуқуқ-атворини ташкил этади. ИХТТ Кенгаши томонидан тақлиф этилган корпоратив ҳуқуқ тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида назарда тутилган ва қуйидаги қоидаларда ўз ифодасини топадиган фуқаролик ҳуқуқининг асосий қоидаларига ўхшашдир:

— Акциядорлар ҳуқуқлари. Ушбу тамойил хўжалик жамиятлари акциядорлари ва аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларининг ҳақиқий имкониятини ифодалайди. Корпоратив ҳуқуқ-атвор амалиёти акциядорларга — оддий ва имтиёзли акциялар эгаларига, шунингдек, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар эгаларига жамиятда иштирок этиш билан боғлиқ ўз ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳақиқий имкониятини таъминлаши керак.

Ушбу тамойил доирасида акцияга бўлган ҳуқуқ рўйхатга олинади. Масалан, жамиятнинг умумий йиғилишида унинг ваколатига кирувчи барча масалалар юзасидан овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш, дивиденд олиш ҳуқуқи ва жамият тугатилган ҳолларда унга тегишли мулкнинг бир қисмини олиш каби ҳуқуқларни инобатга олган ҳолда жамият ҳар бир оддий акция эгасига муайян ҳажмдаги ҳуқуқлар беради.

— Акциядорларга нисбатан тенг муносабатлар. Бу тамойил бир хил турдаги акциядан бир хил миқдорда эгаллаган акциядорларга нисбатан тенг муносабатни амалиётда таъминлашни ифодалайди.

Жамият фаолиятида акциядорларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг корпоратив тўқнашувларни ҳал этишда фаол иштирок этишларидан келиб чиқади. Бу ерда корпоратив тўқнашувлар деганда қуйидаги икки турдаги тўқнашувлар тушунилади: 1) жамият органлари ва акциядорлар ўртасидаги; 2) акциядорлар ўртасидаги (агар тўқнашув жамият манфаатларига

дахлдор бўладиган бўлса). Жамият низоларни ҳал этишнинг ўз жараёни ва механизмларини ишлаб чиққан бўлса, кўпгина низолар суднинг аралашувисиз ҳал этилиши мумкин;

— Директорлар Кенгашининг (кузатув Кенгашининг) мажбуриятлари. Ушбу тамойил тўрт асосий тавсияларни ўз ичига олади: 1) директорлар Кенгаши жамиятнинг ривожланиш стратегиясини белгилайди; 2) директорлар Кенгашининг таркиби унга юклатилган функцияларни ижро этишни таъминлаши керак; 3) директорлар Кенгаши мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб туриши ҳамда ўз фаолиятининг нисбатан муҳим йўналишлари бўйича кўмиталар тузиши керак; 4) директорлар Кенгаши ижро органларининг фаолиятини таъминлайди ва назорат қилади.

- информирование женщин об их правах на защиту в т.ч. на возмещение ущерба;

- разработка национального плана действий по данному вопросу;

- обеспечение правовой, медицинской, психологической и иной помощи жертвам насилия путем создания специальных программ и служб, а также структур по подготовке кадров;

- подготовка специалистов, в т.ч. для правоохранительных органов по вопросам предупреждения и искоренения насилия;

- введение образовательных программ по данным вопросам;

- содействие сбору, анализу и обобщению статистической и аналитической информации для выявления причин и условий, способствующих насилию в отношении женщин;

- стимулирование деятельности ННО и органов самоуправления граждан в данной сфере.

Правовые способы борьбы с насилием в отношении женщин, бытовым насилием не могут быть ограничены принятием одного базового закона, представляется необходимым совершенствовать Семейный, Уголовный кодексы, Кодекс об административной ответственности, принять закон «О гарантиях равных прав и равных возможностей женщин и мужчин», который является рамочным в сфере обеспечения гендерного равенства.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида аёлларга нисбатан зўрлик тишлатишга қарши курашнинг миллий ва халқаро асослари таҳлил қилинган. Асосий қисмида эса муаллиф Ўзбекистон Республикасида аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши кураш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу фаолиятга оид назарий асосларнинг ва мамлакатимизда ҳозирги кунда мавжуд бўлган ҳолатнинг батафсил илмий-ҳуқуқий таҳлилин амалга оширган. Хулоса қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши курашни янада ривожлантиришга оид махсус механизм ва воситалари ҳақида мулоҳазалар юритган.

¹ См. Заключительные замечания Комитета по ликвидации дискриминации в отношении женщин. Перечень тем и вопросов содержится в документе CEDAW/C/UZB/Q/3

² См. Заключительные замечания Комитета по ликвидации дискриминации в отношении женщин. CEDAW/C/UZB/CO/4

³ Данные Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан за 2010 г.

**Фируза МУХАМЕДЖАНОВА,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
Марказий Кенгаши раисининг 1-ўринбосари**

БОЛАЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши бизга ва барча ёшлар фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган маросимда "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", - деб таъкидлаб, ёшлар тарбияси билан шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари олдига долзарб вазифани қўйдилар ва бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 64 фоизи, яъни қарийб учдан икки қисмини ёшлар ташкил қилишига эътибор қаратдилар.

Ҳар қандай мамлакатда ёшларга оид сиёсатнинг муваффақиятли амалга оширилиши даражасига баҳо беришда нафақат ҳукумат томонидан ушбу масалага берилган эътибор, балки ёшлар томонидан унинг қандай қабул қилинаётганлиги ва уларнинг кундалик ҳаётида бу нарса қанчалик ақс этаётганлиги билан ҳам баҳоланади. Шу ўринда, ёшларга берилган бундай эътиборнинг маҳсулини жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда спортнинг турли соҳаларида Ўзбекистон ёшлари эришаётган ютуқларни нафақат халқимиз, балки бутун дунё кўриб, тан бериб турибди. Рустам Қосимжонов, Ришод Собиров, Аббос Атоев каби ўнлаб ёшларимиз мамлакатимиз номини дунёга танитаётгани, энг аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ёрқин натижаси дейишимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни соғлом қилиб вояга етказишнинг мукамал тизими ишлаб чиқилди. Уч босқичли спорт мусобақалари - "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" микёси ва ёшларни қамраб олиши билан дунёда ягона санолади. Ёшларни спортга жалб этишда Ўзбекистонда қўлланилаётган тизим дунёнинг ҳеч бир давлатида учрамайди.

Энг муҳими, бу тизим ёшларнинг мунтазам, ўзлуксиз равишда спорт билан шуғулланишида катта имкониятлар туғдириб беради. Президентимизнинг 2002 йилда

қабул қилинган "Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатда ёшларни спортга жалб қилиш, уларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз раҳбари томонидан янги ғоя олдинга сурилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Ушбу ғояга мувофиқ яқин йиллар ичида мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида мусиқа мактаблари иш бошлайди. Ушбу мактаблар ўсиб келаётган авлодни мусиқага муҳаббат, тарихий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ёшларга оид давлат сиёсати мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бир қисмидир.

Бугун ёшларимизни мамлакатимизнинг етакчи муассасаларида, керак бўлса бошқарув идораларида раҳбар лавозимларда кўришимиз оддий ҳол бўлиб қолди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган депутатлик корпусининг таркибида ҳам ёшларнинг улуши кўплигини кўришимиз мумкин. Юртимизда шундай масъулиятли вазифалар ёшларга юкланаётганлиги уларга билдирилаётган ишончдан далолат беради. Қолаверса, улар ҳам шу ишончга лойиқ бўлиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият юритаётган, керак бўлса ҳеч кўрқмасдан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган ундай ёшларни кўрганда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг ҳақиқий давомчилари вояга етаётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Юртимизнинг истиқболи ҳам айнан ёшлар қўлида. Фарзандларимизнинг иродали, иймон-этиқодли, мустақил ва эркин фикрли, ҳар қандай хуружларга дадил қарши бора олишга қодир инсон бўлиб етишишларида таълим муассасалари, оила, маҳалла ҳамкорлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган юксак турмуш тарзининг аҳамияти каттадир. Шу сабабли ёшларнинг ҳали ечилмаган муаммолари жамоатчилигимизнинг диққат марказида бўлиши табиий.

Мамлакатимиз ёшларининг етакчи ташкилоти бўлган

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис этилган-даёқ мамлакатимиз раҳбари томонидан ушбу ташкилот олдида турган асосий вазифалар сифатида - ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш қўйилган эди.

2001 йил 25 апрел куни Ҳаракат Таъсис Қурултойининг қарори билан ўз олдида ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришни мақсад қилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига асос солинди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги кунда республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўзининг атрофида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштирди ва уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаракат тизимлари томонидан маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳуқуқий тарғибот, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш соҳаларидаги йигирмадан ортик йўналишларда ишлар олиб борилмоқда. Унинг бевосита ташкилотчилигида ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган республика миқёсидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда, ўнлаб кўрик танловлар, конференциялар, семинарлар ва спорт мусобақалари ташкил этилиб, муваффақият билан ўтказилиб келинмоқда. Ёшларни янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишга чақириб, эркин фикрлаш ва сўзлашга ўргатиш, уларнинг ташаббусларини амалга тадбиқ этиш, ижодий ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда, учрашувлар ва дебатлар ташкил этилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мамлакатимиз барча шаҳар ва туманлари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган қарийб 10 мингдан ортик бошланғич ташкилотлари тўрт миллиондан ортик ёшларни бирлаштирган. Ёшларнинг кайфияти, уларнинг дунёқарошида бўлаётган ўзгаришлардан бохабар бўлиш, уларни Ватанга, халқимизга, унинг аъноналарига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда ўзига хос мадад бўлиш бошланғич ташкилотларимиз олдида турган асосий вазифадир.

Ҳаракат томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошириб келинаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари, "Сиз тарихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?" каби танловлар, "Миллий ўйинлар фестиваллари" - да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юз мингдан ортик ёшлар иштирок этишмоқда.

2007 йилнинг бошида Ҳаракат ёш тадбиркорлар билан биргаликда фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ташаббуси билан чиққан эди. Бугунги кунда ушбу ташаббус вилоятларда анча оммаллашиб улгурганлигини таъкидлаш лозим. Бундай корхоналар халқ орасида "Камолот" корхоналари" деб ном чиқарди. Ўтган давр мобайнида Ҳаракат иштироки билан 52 та фермер хўжалиги ва корхоналари ташкил этилди. Бу корхоналарда 656 та иш ўринлари яратилди.

Айни кунларда яна 14 та фермер хўжалиги ва корхоналар ташкил этиш борасида ишлар ниҳоясига етмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда "Камолот" томонидан ташкил этилаётган "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари" нинг ҳам ҳиссасини таъкидлаш лозим. Бу марказлар ёшларга ўз муаммоларини ҳал қилиш, унга ечим излашни ўргатади. Уларнинг асосий ютуғи ҳам шунда. Шу билан биргаликда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда марказларнинг ҳам ўрни бор. Бу марказлар ёшларга касб ўргатади, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий дастурларни ишлаб чиқади ва бажарилишини таъминлайди. Ҳозирги кунда Республикаимизнинг барча вилоятларидаги мавжуд жами 91 та Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларида 217 та тўғарак, марказ ва клублар фаолият юритмоқда. Уларга 57387 нафар ёшлар жалб этилган. Болалар ва ёшлар билан ишлаш учун 285 дан зиёд мураббийлар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар жалб этилган.

"Камолот" ЁИХ томонидан амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири "Бунёдкор" талабалар меҳнат отрядларидир. Талабаларнинг ёзги таътили давомида ташкил этилган ушбу лойиҳа 12,5 минг талабани мавсумий иш билан таъминлади. Талабалар фаолият олиб борган ташкилотлар, иш жойлари турли-туманлиги, кўлами кенглиги билан ажралиб турди. Талабалар йирик қурилишлардан тортиб, дала ишларигача кўмаклашишди. Тошкент Темир йўл муҳандислари институти, Қарши иқтисодиёт муҳандислик институти ҳамда Термиз Давлат университетининг юздан ортик талабалари Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида иштирок этишди.

Президентимизнинг 2008 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш Ҳаракат фаолиятида муҳим ўрин тутувчи йўналишлардан яна биридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 995 минг 228 та ёш оила мавжуд. Улар орасида уй-жойга муҳтож оилалар сони 343 минг 690 тани ташкил этади. Бугунги кунда ёш оилалар учун кўп қаватли турар жой биноларини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирда қурилиш ишларини олиб бориш мақсадида 37 та пудратчи ташкилот билан шартнома имзоланган. Бу ишларнинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. У ҳам бўлса, қурилиш ишларига ёшларнинг ўзини жалб қилиш масаласидир. Бевосита ёшлардан тузилган 44 та қурилиш бригадалари турар жойларни бунёд қилишда иштирок этмоқда. Улар ўз сафига 600 дан ортик ёшларни бирлаштирган.

Ҳаракатнинг асосий мақсадларидан бири ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни танитишдан иборатдир. Шу ўринда, "Камолот" ЁИХ томонидан қатор тадбирлар ҳам амалга ошириб келинаётганлигини таъкидлаш лозим. "Камолот" таълим гранти ва стипендияси талабаларнинг муқаммал билим олиши йўлида Ҳаракатнинг ҳиссаси бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, ҳарбий қисм тавсияномаси билан шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг шартнома пули-

нинг 35 фоизи "Камолот" ЁИХ томонидан тўлаб берилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

"Камолот" ЁИХ томонидан 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида ёшларни спортга жалб этиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини ривожлантириш, тарбияси оғир ёшларни жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича "Камолот шахмат тахтаси" турнири, ногирон болалар ўртасидаги "Матонат чўққиси" спорт мусобақаси, "Халқаро ОИТСга қарши кураш кўни"га бағишлаб "Ўзингни, дўстингни асра!" лойиҳаси, Бадминтон бўйича "Камолот кубоги", касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчи қизлари ўртасида мини-футбол бўйича "Камолот кубоги", стол тенниси бўйича қизлар ўртасида "Камолот маликаси" мусобақалари, "Ўзбекистон Ватаним, маним!" ва "Йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олишга қаратилган ёшлар акция"лари шулар жумласидандир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёзги таътил мавсумида оромгоҳларга жалб этилмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ИИБ профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун Ҳарбий-спорт оромгоҳларини ташкил этди.

Оромгоҳни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва турли диний экстремистик оқимларга, гиёҳванд-

ликка кириб кетиш ҳолларининг олдини олиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш натижасида ҳулқи ижобий томонга ўзгарган ИИБ профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганларни "Камолот" ЁИХ Тавсияномасига кўра ҳисобдан чиқаришдан иборат.

Оромгоҳлар Ҳаракат тизимларининг Бухоро (50 нафар), Хоразм (80 нафар), Самарқанд (100 нафар), Фарғона (35 нафар), Сурхондарё (50 нафар), Навоий (34 нафар), Тошкент (356 нафар), Наманган (50 нафар), Жиззах (20 нафар) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (50 нафар) ва Тошкент шаҳар бўлимлари томонидан (265 нафар) ташкил этилди.

Ундан ташқари Ҳаракат тизимлари томонидан ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоеъ этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида "Ёшлар ижтимоий хизмати марказ"ларида жойлардаги ички ишлар идоралари профилактик ҳисобидаги вояга етмаганлар бириктирилмоқда.

Албатта, ҳаракатнинг фаолият юритаётган йўналишлар кўп ва мазмунан хилма хил бўлишига қарамасдан, ҳали яна бир қатор режалари мавжуд. Ҳали қилинадиган ишлари ниҳоятда кўп. Давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган доимий эътибор, қолаверса, "Камолот" сафларининг йилдан-йилга серғайрат, элим деб, юртим деб, ёниб яшовчи йигит ва қизларимиз ҳисобига кенгайиб бораётганлиги ўз олдимишга қўяётган салмоқли вазифаларни тўла ҳал қилишимизга ишонч бағишлайди.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена роли и месту молодежного движения "Камолот" по защите прав детей и молодежи в нашей стране. Во вводной части статьи автор указывает приоритетные направления молодежной политики Республики Узбекистан и подробно освещает достижения в данной сфере. В основной части статьи осуществляется тщательный анализ нормативно-правовой базы, регулирующая деятельность молодежного социального движения "Камолот", освещается проделанная молодежного движения, приводятся точные статистические данные. Особое внимание автор уделяет освещению выполнения государственных целевых программ. Заключительная часть данной статьи посвящена перспективом развития молодежного социального движения "Камолот" в Республики Узбекистан.

Светлана СЕЛИМАНОВА,
И.о. доцента кафедры «Административного права»
Академии МВД Республики Узбекистан

АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЙ МЕХАНИЗМ ОХРАНЫ И ЗАЩИТЫ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА И ГРАЖДАНИНА

Защита прав человека и гражданина – глобальная задача. Каждое государство, исходя из принципов и норм Всеобщей декларации прав человека, создает механизм защиты прав человека и гражданина, устанавливает нормативные требования к ее осуществлению.

В Конституции Республики Узбекистан закреплен не только приоритет прав человека и гражданина, но и гарантируется их защита, которая возлагается преимущественно на государство и его органы¹ (ст.26). Право на защиту является одним из основополагающих и незыблемых прав человека, гарантированных Конституцией и законами Республики Узбекистан, а воспрепятствование их реализации подлежит ответственности по ст.197¹ - Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности².

Социальная и юридическая значимость института прав и свобод человека и гражданина возрастает на современном этапе развития цивилизации. Это обусловлено экономической и политической нестабильностью во многих государствах мира, продолжающимися вооруженными региональными конфликтами, несовершенством юридических механизмов защиты прав человека, как на внутригосударственном, так и на межгосударственном уровнях.

Однако, благодаря демократическим преобразованиям в мире, наряду с универсализацией международных стандартов по правам человека и трансформацией их в национальном праве все большее значение приобретает формирование механизмов защиты прав и свобод человека и гражданина.

В нашей стране создан и функционирует механизм обеспечения прав и свобод человека и гражданина. Важнейшей задачей данного механизма является упорядочение общественных отношений, формирование и повышение уровня общей и правовой культуры населения, обеспечение возможности реализации субъективных прав, охрана и защита регулируемых общественных отношений, прав, свобод и законных интересов человека и гражданина от противоправных посягательств.

Структура механизма административно-право-

вой охраны и защиты прав и свобод личности включает:

1. Права, свободы как объект охраны и защиты, обязанности как социально-правовое явление.
2. Систему административно-правовых средств охраны и защиты прав и свобод, установленных государством и международными соглашениями.
3. Способы административно-правовой охраны и защиты прав и свобод человека и гражданина.

Необходимо раскрыть структурные элементы целостного механизма административно-правовой охраны и защиты прав и свобод человека и гражданина. Объектом административно-правовой охраны и защиты граждан являются законные права и свободы человека и гражданина. Права – это установленные законом пределы дозволенного поведения, возможности и притязания в экономической, социальной, политической и культурной сферах.

Понятие свободы вытекает из принципа «разрешено все, что прямо не запрещено законом». Закон не в состоянии предусмотреть все многообразие общественных отношений, пределы внутреннего волеизъявления гражданина, все аспекты интеллектуального и духовного развития. Поэтому очень важным здесь является то, чтобы свободы одного индивида не затрагивали свободы другого.

Юридические обязанности человека и гражданина – это выраженные в законах и подзаконных нормативных актах требования конкретного государства к поведению любых лиц, находящихся на территории данного государства, а также к поведению граждан данного государства независимо от места их нахождения. Современное государство должно исходить из принципа взаимной ответственности, что означает обязанность государственных органов и их должностных лиц в своей деятельности руководствоваться приоритетностью прав и свобод человека и гражданина.

Система средств административно-правовой охраны и защиты представлена в лице государственного аппарата, общественных организаций, юридических и физических лиц, по закону или добровольно занимающихся правовой деятельностью.

В соответствии со ст. 2 Конституции РУз на го-

сударство, а, следовательно, на все государственные органы, возлагается обязанность признавать, соблюдать и защищать права и свободы человека и гражданина. Более того, права и свободы человека и гражданина определяют смысл, содержание и применение законов, деятельность законодательной и исполнительной властей, местного самоуправления.

В системе государственных органов особые задачи в охране и защите прав и свобод человека и гражданина призваны решать суды, представительные органы, органы исполнительной власти, институт президентства, прокуратура, Уполномоченный Олий Мажлиса по правам человека, Национальный центр по правам человека.

К средствам правовой охраны и защиты также следует отнести и законодательную базу, которая включает не только законы и подзаконные акты Узбекистана, но и международно-правовые акты, регламентирующие деятельность государств и их органов в сфере обеспечения прав человека.

К способам правовой охраны и защиты прав и свобод человека и гражданина, на наш взгляд, можно отнести:

- судебный контроль в производстве по делам об административных правонарушениях;
- контроль со стороны представительных органов государственной власти за органами государственного управления в сфере охраны прав и свобод граждан;
- административный (внутриведомственный и надведомственный) контроль и надзор;
- президентский контроль в сфере государственного управления;
- прокурорский надзор за законностью деятельности государственных органов и их должностных лиц, предприятий, учреждений, общественных объединений, органов местного самоуправления; (бизни қонунга тўғри келадими!)
- правозащитную деятельность Уполномоченного по правам человека Республики Узбекистан;
- обращения граждан в государственные органы, предприятия и учреждения, органы местного самоуправления, общественные организации.

Очень важным и эффективным способом защиты прав и свобод является право обжалования в административном либо в судебном порядке.

В состав правового механизма также входят меры, направленные на разъяснение смысла, целей и содержания соответствующих нормативных положений и правовой политики.

Вместе с тем хотелось бы остановиться на вопросах обеспечения права на защиту в административном судопроизводстве.

Участие адвоката при рассмотрении дела об административном правонарушении регламентировано статьей 297 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, в которой

определено, что адвокат может участвовать в административном процессе с момента задержания лица, совершившего административное правонарушение. Кроме того, адвокат вправе знакомиться с материалами дела, по поручению и от имени пригласившего его лица, заявлять ходатайства и обжаловать постановление по делу³.

Вместе с тем изучение правоприменительной практики показывает, что исполнение норм КоАО в этой части оставляет желать лучшего. В ходе проверок выявлены и многочисленные нарушения законодательства об административных правонарушениях⁴. Опасность таких нарушений обусловлена масштабом применения административной ответственности⁵, расширением круга органов исполнительной власти (более 30), должностные лица которых вправе рассматривать дела об административных правонарушениях.

В этой связи потребность в совершенствовании механизма защиты прав физических и юридических лиц в административном производстве очевидна.

В действующем Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности существенно реформирована его процессуальная часть, более детально регламентированы права участников административного производства. Вместе с тем система защиты их прав, как показывает анализ норм КоАО РУз, несовершенна. Основной акцент законодатель сделал на порядок рассмотрения и вынесения постановлений по делам об административных правонарушениях. Но такая система «работает» только в отношении отдельной группы участников административного производства (лиц, в отношении которых ведется производство по делам об административных правонарушениях, потерпевших). При этом защита прав этих лиц смещена на завершающую стадию процесса.

На вопрос о том – как должны защищаться права иных участников административно-юрисдикционного процесса – в Кодексе ответа нет. Вместе с тем состояние законности в административной практике оставляет желать лучшего. Об этом свидетельствует рост жалоб граждан в районные суды по уголовным делам на постановления по делам об административных правонарушениях, вынесенных должностными лицами и иными уполномоченными органами⁶. Нужно отметить, что приведенная информация не раскрывает полной картины нарушений прав участников административного производства.

Административная ответственность реализуется в порядке, определяемом КоАО. Их совокупность отождествляется в правовой литературе с понятием административного производства (процесса). Исходными методологическими посылками для характеристики административного производства представляются его связи с обслуживаемыми

данным процессом материально-правовыми нормами и общей теорией юридического процесса. Такой подход позволил, с одной стороны, выявить первооснову административного производства и, с другой стороны, исследовать специфическую форму процессуальной деятельности.

Результаты анализа свидетельствуют о том, что статус совокупности норм, регулирующих порядок реализации административной ответственности, не получил однозначной оценки у правоведов. Это связано, в первую очередь, с различным подходом к решению концептуальных вопросов объема и содержания административного производства, а также отсутствием единого процессуального регламента рассмотрения дел об административных правонарушениях, который определяется нормами КоАО.

Кроме этого, средства и способы осуществления функции защиты в административном производстве в юридической литературе исследованы недостаточно.

Система этих средств и способов характеризуется следующими задачами: общая задача – обеспечить функцию защиты от административного преследования; объединение в ней только средств и способов защиты законных прав и интересов в рамках административно-юрисдикционного процесса; единая нормативная основа – процессуальные нормы КоАО; применение этих средств и способов только определенными законом участниками производства по делам об административных правонарушениях.

С учетом многообразия средств и способов осуществления функции защиты в административно-юрисдикционном процессе указанные средства и способы можно классифицировать по различным основаниям.

По характеру защитной деятельности они могут быть подразделены на активные и пассивные способы осуществления защиты.

По субъектам защитной деятельности средства и способы защиты можно подразделить на две группы. К первой относятся средства и способы субъектов со стороны защиты. Их особенностью является инициативный характер (заявление ходатайств, отводов, жалоб, отказ от дачи показаний и др.). Вторую группу составляют средства и способы, применяемые властными субъектами процесса, обеспечивающие реализацию обращений участников процесса со стороны защиты.

По непосредственности применения средства и способы защиты подразделяются на две группы. К первой относятся средства и способы защиты, используемые непосредственно физическим лицом, в отношении которого ведется производство по делу об административном правонарушении. Другие участники процесса со стороны защиты осуществляют средства и способы защиты их доверителя.

На основании вышесказанного нами сформулирован ряд конкретных предложений по совершенствованию законодательства об административных правонарушениях в области охраны и защиты прав и свобод человека и гражданина:

1. Предлагается дополнить ст. 15 КоАО РУз таким объектом охраны и защиты, как основные права и свободы граждан, кроме прав, содержащихся в главе 5 указанного нормативного акта.

2. Внести отдельную норму в главу 5 КоАО РУз, предусматривающую ответственность должностных лиц за неисполнение либо ненадлежащее исполнение своих должностных обязанностей по обеспечению основных прав и свобод граждан либо их преднамеренное нарушение.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишнинг умумий-асослари ҳақида гап юритилмоқда. Асосий қисмда эса муаллиф инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш маъмурий-ҳуқуқий механизмларининг таркибий элементлари, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари батафсил илмий-ҳуқуқий таҳлилини амалга оширган. Хулоса қисмида муаллиф томонидан ушбу соҳани ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид аниқ чора-тадбирлар таклиф қилинмоқда.

¹ Конституция Республики Узбекистан. – Т., 2009. ст.26

² Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института адвокатуры» // Народное слово, 2 января 2009 г.

³ Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности// Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995, №9, ст.193. Далее по тексту КоАО.

⁴ «Аналитические материалы по итогам мониторинга за реализацией норм Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности в системе МВД» Центр по мониторингу за реализацией нормативно-правовых актов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан. –Т., 2009 г.

⁵ См.: Поспелова Л.И. Проблемы кодификации административно-деликтного законодательства: Автореф. дис... к.ю.н. – М., 2002, С. 3.

⁶ «Аналитические материалы по итогам мониторинга за реализацией норм Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности в системе МВД» Центр по мониторингу за реализацией нормативно-правовых актов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан. –Т., 2009 г

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

ҚИЙНОҚ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Ҳар бир киши туғилиши биланоқ муайян кўламдаги имкониятлардан фойдаланиш борасида ажралмас ҳуқуқларга эгаки, уларни ана шу ҳуқуқлар билан таъминлашда жамият ва давлат кўмаклашмоғи шартдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави талабларига мувофиқ БМТ доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ, давлатлар мажбуриятларининг юридик характерини изоҳловчи бир қатор ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилинган. Масалан, БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси 1949 йил 1 сессиясида қабул қилган “Давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари декларацияси” 6-моддасида: “Ҳар қайси давлат ўз юрисдикциясида бўлган барча инсонларга ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурмат билан қарашлари шарт”¹, деб таъкидлаб ўтилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида **“Ҳамма инсонлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”** — деган ғоя мустаҳкамланган.

Шахсий хавфсизлик жамиятда ижтимоий қадрият сифатида намоён бўлиб, ҳар бир давлат ўз аҳолиси хавфсизлигини таъминлаши учун зарур шарт-шароит ва ҳуқуқий асосни яратиши зарур.

Биз инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритганимизда инсонларнинг турли соҳадаги ҳуқуқларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан бири бу унинг ҳар қандай тажовузлардан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқидир. Қийноқ ҳам инсонга бўлган тажовузнинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг характерига кўра ижтимоий хавфли жиноий қилмишдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак” — деб белгиланган.

Халқаро жиноят суди томонидан 1998 йил 17 июлда қабул қилинган Рим Статутининг 7-моддаси **“f” бандига асосан “қийноқ” инсониятга қарши қаратилган жиноятлар тоифасига киритилган.**

“Қийноқлар тарихи” китоби муаллифи Джорж Райли Скотт “қийноқ ҳолат ва мақсадларидан ҳамда унинг тамом бўлиши ёки инсон ҳаётидан маҳрум этилишига сабаб бўлишидан қатъий назар инсонга

азоб ва оғриқ етказувчи ҳар қандай жараёндири”², деб таъкидлайди.

1984 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши” конвенциянинг 1-моддасида эса, **қийноқ қуйидагича таърифланади:** “бирон-бир шахсга қасддан етказиладиган кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ ёхуд азоб, ундан ёки учинчи шахслардан маълумот ёки иқдорликни қўлга киритиш учун, у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган қилмиш учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсларни кўрқитиш ёки мажбурлаш ёинки дискриминацияга асосланган ҳар қандай сабабларга кўра содир этилган ҳар қандай ҳаракатлар бўлиб, бунда ушбу ҳаракатлар давлат мансабдор шахслари ёки расмий равишда намоён бўлувчи бошқа шахслар ёки уларнинг ундови билан ёхуд уларни хабардор этган ҳолда ёинки уларнинг розилиги билан содир этилади”.

Юқорида келтирилган таърифга асосланган ҳолда қийноқлар таркиб топадиган қуйидаги учта асосий элементни ажратиш мумкин:

- оғир жисмоний ёки маънавий азоб ёки озор етказиш;
- давлат мансабдор шахсларининг рухсати, сукут сақлаган ҳолдаги розилиги ёки ғаламаслиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этилиши;
- муайян мақсад, масалан, ахборот олиш, жазолаш ёки кўрқитиш мақсадида ҳуқуқбузарликни содир этиш.³

Демак, қийноқнинг асосий элементларининг мавжудлиги қийноққа солганлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, қийноқ шахсга нисбатан етказиладиган кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ ёхуд азоб экан. С.Ожеговнинг рус тилининг изоҳли луғатида келтирилган қийноқ тушунчаси бир мунча торроқ, чунки қийноқ нафақат сўроқ қилиш жараёнида айбланувчига нисбатан, балки жиноят процессининг барча иштирокчиларига, шунингдек, уларнинг яқинларига ҳам қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, Скотт ҳам ўзининг “Қийноқлар тарихи” асарида “қийноқ” ҳолат ва мақсадларидан ҳамда унинг тамом бўлиши ёки инсон ҳаётидан маҳрум этилишига сабаб бўлишидан қатъий назар, инсонга азоб ва оғриқ етказувчи ҳар қандай жараёндири, дейди. Аммо ҳолат ва мақсадидан қатъий

назар инсонга азоб ва оғриқ етказувчи ҳар қандай жараёни қийноқ деган таърифга ҳам тўла қўшилмаймиз. Чунки қийноқни қўллаш аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади. Жумладан, “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши” конвенциянинг 1-моддасига асосан “шахслардан маълумот ёки иқдорликни қўлга киритиш учун, у ёки учинчи шахс содир этган ёхуд содир этишда гумон қилинаётган қилмиш учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсларни қўрқитиш ёхуд мажбурлаш ёнки дискриминацияга асосланган ҳар қандай сабабларга қўра содир этиладиган жисмоний ёки руҳий оғриқ ёки азоб тушунилади.

Инглиз мутахассислари қийноқ мустақил маъно ва мазмун касб этмайди, деган ёндашувни маъқуллайдилар. Улар қийноқ деганда ғайриинсоний ҳамда инсон кадр-қиммати ва шаънини камситувчи муомаланинг етказилган азоблар нуқтаи назаридан нисбатан интенсив бўлган шаклини тушунадилар⁴. Европа суди фикрича, қийноқ ёмон муомала қилишнинг бошқа турларидан бир неча белгилари билан ажралиб туради: интенсивлик, қасддан содир этилиши ва аниқ мақсадга йўналтирилганлик⁵.

Қийноқ ёмон муомаланинг унча оғир бўлмаган бошқа шаклларида азобнинг оғир даражаси мажбурдлиги билан фарқ қилади. Қийноқ ҳолатида бу, балки, аниқланиши бир мунча мураккаб бўлган жиҳатдир. Ёмон муомаланинг баъзи турлари, масалан тирноқларни суғуриш объектив тарзда қийноқ тоифасига киради. Бироқ қийноқлар бундай анъанавий мисоллар билан чекланмайди – улар ҳам жисмоний, ҳам маънавий тусдаги азобларнинг кўплаб шакллари ўз ичига олади.⁶

Демак, ёмон муомала нафақат маънавий азобда балки жисмоний таъсир ўтказилиши натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, юқоридаги конвенция қондасига асосан қийноқ аниқ сабаб ва мақсад билан содир этилади. Ҳамда ушбу ҳаракатлар давлат мансабдор шахслари ёки расмий равишда намён бўлувчи бошқа шахслар ёки уларнинг ундови билан ёхуд уларни хабардор этган ҳолда ёнки уларнинг розилиги билан содир этилади.

Агар давлатлар тарихига назар солсак, бугунги кунда қийноқ тақиқланиб, жиний қилмиш сифатида баҳоланса-да, аммо дастлабки даврларда ушбу ҳаракат, яъни “қийноқ” давлатлар томонидан расмий равишда қонуний қўлланилганлигини кузатамиз.

Жумладан, Қадимги Юнонистон тарихига назар солсак, суд жараёнида қийноқ ва ордалия (қизиган темир босиш) далил тўплашнинг муҳим турларидан бири ҳисобланган⁷. Гувоҳнинг қасам орқали ва қийноқ орқали кўрсатув беришида сўнггиси устувор саналган. Файласуф ва мутафаккир Аристотель фикрича, “қийноқ маълум маънода гувоҳлик ҳисобланади: у қайсидир жиҳатлари билан ишончли бўлганлиги боис унга зарурият сезилади”⁸. Қадимги Юнонистон файласуфлари қийноқни далилларнинг энг мақбули сифатида баҳолашган⁹.

Шундай қилиб, қадимги дунёда қийноқ далилларнинг асосий тури сифатида ҳамда одил судлов-

ни амалга оширишда давлат мажбурловининг аҳамияти ошганлиги билан машҳур бўлган¹⁰. XII асрдан бошлаб, қидирув процесси кенг ривожланиб, ушбу жараёнда қийноқдан фойдаланиш алоҳида ҳуқуқий аҳамият касб этган. Процессуал назария айблов (музокара) ва қидирув (инквизиция) жараёнлари ўртасида аниқ чегарани белгилайди¹¹.

1670 йилги “Катта жиноят Ордонанси” қийноқнинг қидирув фаолиятидаги далилларнинг ҳамда айблов далиллар етишмаган тақдирда уларни тўплашнинг бир тури сифатида сақлаб қолади. Ушбу қоида Францияда XVIII асрнинг охирига қадар амалда бўлиб келди ҳамда революция арафасида 1788 йилги қийноқни қўллашни тақиқловчи Эдикт билан бекор қилинди.

Германияда инквизиция жараёни асосан назарий жиҳатдан уларнинг зарурлигини асослаб берган италиялик олимлар ижодлари маҳсули сифатида баҳоланади. Бироқ таъкидлаш ўринлики, уларнинг вужудга келиши объектив тарихий сабаблар билан ҳам изоҳланади.

Европада қийноқни қўллашни чеклаш фақатгина XVII асрга келиб, инсонпарварлик ғояларининг тарғиб этилиши билан кузатилади. XVIII асрнинг 2-ярмига келиб эса Европанинг қатор давлатларида (масалан, Австрия, Пруссияда) қийноқни қўллаш бутунлай тақиқланади.

Бугунги кунга келиб инсон ҳуқуқлари бутун дунёда олий қадрият сифатида тан олинди, уларни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари такомиллашиб бормоқда. Қийноқ ва шафқатсиз муомала ва жазо турларига қарши курашиш борасидаги халқаро миқёсдаги дастлабки қадам бу — БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлиб, ушбу декларацияга асосан ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги кераклиги мустақамланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига содиқлигини эътироф этган ҳолда 1992 йил 8 декабрда ўз Конституциясини қабул қилди.

Конституциямизнинг 26-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги мустақамланди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қабул қилиниши билан Жиноят кодексининг кўрсатув беришга мажбур қилиш деб номланувчи 235-моддаси билан қийноқ учун жавобгарлик белгиланди. Яъни: Кўрсатув беришга мажбур қилиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга нисбатан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш - олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озод-

ликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган эди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят процессуал кодексининг шахснинг шаъни ва қадр қимматини ҳурмат қилиш деб номланувчи 17-моддасида "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас"лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилди. Шундай халқаро ҳужжатлардан бири "Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматини камситувчи турларига қарши Конвенция"дир. Мазкур конвенцияга 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан қўшилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 30 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, унга мувофиқ Жиноят кодексининг 235-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу моддага асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят процесси иштирокчиларига ва жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Унга кўра: гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик

кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш каби ҳаракатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сонли қарорида БМТнинг 1984 йил 10 декабрда қабул қилган "Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция"да назарда тутилган "қийноқ" тушунчаси мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февраль кунги "Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида"ги 40-сонли буйруғига асосан прокурорлар жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда БМТнинг "Инсон қадр қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийноқ ва бошқа тазйиқларга қарши кураш боради"ги Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилиш кераклиги ва бу борада ҳар қандай қонун бузилишларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришдек қатъий талаблар қўйилган.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена истории развития законодательства и социальной опасности пыток. В вводной части данной статьи автор осуществляет обзор фундаментальных правовых основ системы защиты прав человека. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ истории развития пыток, а также, национального и международного законодательства в данной сфере, подробно освещается социальная опасность пыток. В заключительной части автор указывает важные аспекты развития международной системы защиты прав человека и противодействия пыткам. Холмурод Бахронов,

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар Тошкент "Адолат" 1999 йил. 4-бет.

² Скотт Д.Р. История пыток.

³ Қийноқлар: Ахборотлар тузиш бўйича қўлланма. Камий Жиффар, Эссекс университети. Инсон ҳуқуқлари маркази Тошкент-2003 й. 12-бет.

⁴ Дженис М., Кэй Р., Брэдли Э. Европейское право в области прав человека (Практика и комментарии). - М.: Права человека, 1997. - 147 с.

⁵ Международные акты о правах человека. Сборник документов. - М.: НОРМА, 2000. - С.12-16.

⁶ Қийноқлар: Ахборотлар тузиш бўйича қўлланма Камий Жиффар, инсон ҳуқуқлари маркази Эссекс университети Тошкент-2003 й. 14-бет.

⁷ А.Я. Гуревич Пытка // Словарь средневековой культуры. - М., 2003. - С. 400-404.

⁸ Аристотель. Риторика. СПб., 1994. - С. 74.

⁹ Покровский И.А. Апория римского права. - 1917. - 17 с.

¹⁰ Всеобщая история государства и права. М.: Былина, 1996. - 103 с.

¹¹ Чельцов-Бебутов М.А. Курс уголовно-процессуального права. - СПб., 1995. - 185 с.

¹² Қоранг.: СизиковМ.И. Государство и право России в период расцвета абсолютизма (1725-1800). -М 1995.-49-50-б.

¹³ Қоранг.: Российское законодательство X-XX веков. - Т. 5: Законодательство периода расцвета абсолютизма. - М, 1987. - .56-б.

Холмурод БАҲРОНОВ,
Шофиркон туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ: ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Прокурор фаолиятининг такомиллаштирилиши одил судлов самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Негаки, прокурор жиноят процессининг барча босқичларида иштирок этадиган ягона субъектдир. Аммо прокурор амалга оширадиган фаолиятнинг мазмун ва шакли жиноят процессининг турли босқичларида турличадир. Хусусан, судолди босқичида ЖПК прокурорга кенг ваколатларни тақдим этади (ЖПКнинг 34-моддаси).

Шунга асосланиб, прокурорнинг суд олди босқичидаги процессуал фаолиятининг муҳим йўналишларини белгиладиган бўлсак, уларнинг икки зарур қиррасини кўриш мумкин. *Биринчиси*, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг тўғри амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш; *иккинчиси*, ЖПКда белгиланган ваколатлар доирасида жиноий таъқибни амалга ошириш. Айнан иккинчи жиҳат прокурорнинг жиноят процессининг суд босқичида айблов фаолиятининг бошланиши билан боғлиқ. ЖПКнинг 409-моддасига мувофиқ, прокурор жиноят ишининг суд муҳокамасида давлат номидан айбловни қувватлайди, қонунга зид деб баҳоланган суд қарорларига протест келтиради ва ҳ.к.

Прокурорнинг жиноят процессидаги иштироки билан боғлиқ бир неча муаммоларни аниқлаш ва уларнинг назарий ечимларини тавсия қилиш мумкин. Булар, *биринчидан*, жиноят-процессуал иш юритувидаги прокурорнинг айблов фаолияти чегарасини белгилаш билан боғлиқ бўлиб, унинг асосини жиноят процессидаги айблов функциясини аниқ ва изчил тақсимлаш муаммоси ташкил этади. Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва қонунчилиги айблов функциясининг уч турини: 1) *оммавий манфаат асосидаги айблов*; 2) *хусусий-оммавий манфаатга асосланган айблов юритуви*; 3) *айбловни хусусий асосда юритишни эътироф этади*¹.

Оммавий манфаат асосидаги айбловни юритиш асосларини ЖПКнинг 15-моддасида кўриш мумкин. Унга биноан: «суд², прокурор, терговчи ва суриш-

тирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт».

Шахснинг қонун тақдим этган ҳуқуқлардан ўз ихтиёрига асосан фойдаланиши жиноят-процессуал муносабатларнинг вужудга келиши, яъни жиноят-судлов иш юритувининг бошланиши, ривожланиши, яъни муайян процессуал тартибда унинг даъвосининг текширилиши ва тугалланишида, яъни шахснинг даъводан воз кечиши ёхуд ярашганлиги туфайли давонинг тугатилишида муҳим мезонлар ҳисобланади.

Шу боис, шахснинг ихтиёри асосида юритиладиган айбловнинг асосий ва ягона субъекти — даъво аризаси билан жиноят-судлов иш юритувини қўзғатган фуқаро, шахсдир. Негаки, бузилган моддий ҳуқуқлар фақат шахснинг ўзига тегишли бўлиб, унинг тикланишини ва қўриқланишини талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ана шу шахснинг ихтиёридадир.

Мазкур иш юритувининг элементларини ЖПКнинг 325-моддасида кўриш мумкин, Унга мувофиқ «номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни зўрлик билан ғайритабиий усулда қондирганлик (ЖКнинг 118-модданнинг 1-қисми ва 119-модданнинг 1-қисми) учун иш айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади».

Ишни хусусий айблов тартибида юритишда прокурорнинг айблов юритувига аралашуви чекланган. Бироқ қонун фавқулодда ҳолатлардагина жабрланувчининг ихтиёридан қатъи назар прокурорга жиноий таъқиб фаолиятини амалга оширишга йўл қўяди. Фавқулодда ҳолатлар тушунчаси қонунда тўлиқ аниқлаштирилмаган, лекин унинг қаторига: а) *жабрланувчининг ҳуқуқий ёки жисмоний лаёқатсизлиги*; б) *жабрланувчининг 60 ёшдан ошганлиги ва унинг нафақада эканлиги*; в) *суднинг иш бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур деган хулосага келганлиги*; г) *айбланувчининг давлат хизматида-*

ги юқори лавозимни эгаллаб турганлиги; д) жабрланувчи томонидан прокурорга умумий тартибда айбловни амалга оширишни сўраб берган аризасининг мавжудлиги; е) айбланувчининг ҳарбий хизматчи эканлиги каби ҳолатларни киритиш лозим. Чунки, шу ҳолатлар жабрланувчига хусусий тартибда айблов юритувини кўзғатишга объектив тўсиқ бўлиши, шунингдек, айблов ишини юритиш самарадорлигига жиддий путур етказиши мумкин.

Прокурорнинг жиноят процессидаги ваколатларини слоҳ этиш муаммолари билан боғлиқ **Иккинчи** йўналиш – бу унинг ваколатларини тортишув принципига мослаштиришни назарда тутиши зарур.

Замонавий жиноят-судлов юритувини ташкил қилишнинг асосий ғояси ҳамда жиноят процессида демократик қадриятларнинг устуворлиги тортишув тамойили билан узвий боғлиқдир. Зотан, тортишув принципи жиноят процессининг икки муҳим тушунчасига асосланиши мумкин: *биринчиси*, айбсизлик презумпцияси (ЖПКнинг 23-моддаси), *иккинчиси*, айбланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги масаласи юзасидан баҳс юритаётган тарафларнинг тенглиги (ЖПКнинг 16-25-моддалари).

Жиноят процессида иштирок этувчи тарафлар: прокурор ва ҳимоячининг процессуал ҳуқуқларини тенглаштириш муаммосини ҳал қилиш сўнги йилларда олиб борилаётган тадқиқотларнинг³ ҳамда суд-ҳуқуқ слоҳотларининг муҳим мақсади бўлиб келмоқда. Мазкур масалада олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик олимларнинг қарашларида ҳимоячининг ҳуқуқларини унга далиллар тўплаш ҳуқуқини таъминлаш орқали прокурорнинг ваколатларига тенглаштириш ғояси устуворлик қилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳимоячининг ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилган сўнги ўзгаришлар натижасида ҳимоячига далиллар тўплаш ҳуқуқи берилди. ЖПКнинг 87-моддасида этироф этилганидек, эндиликда “ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни; ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш” ҳуқуқига эга.

Шунга қарамай, айрим олимлар ушбу масалада янада кескинроқ нуқтаи назарга эгалар. Хусусан, Б.Саломов тортишув принципини амалиётга жорий этиш учун адвокатларга параллел тергов юритиш, прокуратура ваколатларини чегаралаш зарурлигини ўқтиради⁴.

Лекин, бу фикр билан келишмаган ҳолда прокурор ваколатларини тортишув принципига бусиз ҳам мослаштириш мумкин.

Назаримизда, бу қўйдаги ваколатларни ўз ичига олиши лозим: **биринчидан**, мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли жиноят ишини кўзғатишни рад этиш. Жиноят ишини рад этишнинг мақсадга мувофиқлиги деганда: а) шахс томонидан содир этилган қилмишнинг хусусиятлари; б) айбдорнинг шахси ва ишнинг

бошқа ҳолатларини, жумладан: айбдорнинг вояга етмаганлиги; оилавий шароитнинг оғирлиги; жисмоний мажруҳлиги; касаллиги; қариллиги; шунингдек, айбдорнинг қилмишини исбот қилишнинг имконсизлиги кабиларни эътиборга олиб, в) уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, қилмишни содир этган шахсга нисбатан ижтимоий-маъмурий чоралар қўллаш баробарида суриштирувчи, терговчи прокурорнинг розилиги билан ёки прокурорнинг ўзи томонидан жиноят ишини кўзғатиш рад этилиши мумкин. Амалда қонунчиликнинг ўзи ҳам мақсадга мувофиқлик тушунчаси асосида жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни назарда тутди. Масалан ЖКнинг 87-моддаси: ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этилган қилмишнинг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин». ЖПКнинг 564-моддаси эса ушбу моддий-ҳуқуқий нормани процессуал тарзда расмийлаштиради. Унга кўра, «вояга етмаган шахсни жавобгарликдан озод қилиб, материалларни вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширишда терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради». Шундай экан, қонунда эътироф этилган «мақсадга мувофиқлик» тушунчасини янада такомиллаштириш ўринлидир.

Мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли жиноят ишини кўзғатишнинг тортишув принципига тааллуқли жиҳати шундан иборатки, жиний жавобгарликка ёки жазога тортиш мақсадга мувофиқ эмаслигини қайд этувчи ҳолатларнинг мавжудлиги туфайли, айблов фаолиятини юритувчи шахсларда (суриштирувчи, терговчи, прокурор) айбланувчини (гумон қилинувчини) жавобгарликка ва жазога тортиш мақсадга мувофиқ эмас деган ички ишончининг шаклланиши, улар томонидан суд муҳокамасида самарали баҳс юритилишига, айбловни амалга оширишдаги прокурорнинг касбий тайёргарлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида таъкидланган фикрлар асосида ЖКнинг 87-моддасининг биринчи қисмига ҳамда ЖПКнинг 15 ва 333-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим. Жумладан, ЖПКнинг 15-моддасига “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ушбу талабдан фақат қилмишни содир этган шахснинг вояга етмаганлиги, оилавий шароитининг оғирлиги, жисмоний мажруҳлиги, касаллиги, қариллиги, шунингдек, айбдорнинг қилмишини исбот қилиш имконсизлиги каби ҳолатларни инobatга олган ҳолда жиноят ишини кўзғатиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблагандагина чекиниши мумкин” деган мазмунда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, суд муҳокамаси натижасида проку-

рорнинг айбловдан воз кечиши билан боғлиқ ваколатни такомиллаштириш. Прокурор биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида тараф сифатида иштирок этиб, айбловни қувватлайди. Унинг суд муҳокамасидаги ваколатлари ва мажбуриятлари ЖПКнинг 409-моддасида белгиланган, шулардан бири прокурорнинг айбловдан воз кечишидир. Лекин айбловдан воз кечиш прокурорнинг ваколати эмас, балки унинг мажбурияти ҳамдир.

Аммо, прокурор томонидан мана шу мажбуриятнинг бажарилиши ордидан келиб чиқадиган процессуал оқибат жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ тартибга солинган эмас. Суд мажлисида ЖПКнинг 83-84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд прокурорнинг айбловдан воз кечиш ҳақидаги баённомаси бор ёки йўқлигидан қатъий назар жиноят ишини тугатади. Шу билан бирга, агар прокурор айбловдан воз кечишни фақат суд терговининг натижасига биноан амалга оширса, юқорида таъкидланган ҳолатлар асосида жиноят ишининг тугатилиши эса аниқланган ҳолатларнинг мазмунига кўра ҳукм қабул қилиш билан яқунланади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, прокурорнинг айбловдан воз кечиши ҳамда суд томонидан ЖПКнинг 421-моддасида назарда тутилган ҳолатларнинг аниқланиши туфайли жиноят ишининг тугатилиши ўртасида деярли узвий боғлиқлик йўқ. Шунга қарамай, ЖПКнинг 409-моддасида белгиланган айбловдан воз кечиш тартиби прокурорга судланувчининг айбсизлигидан далолат берувчи маълумотлар аниқланганда ушбу мажбуриятни бажаришни юклайди. Жиноят процессида айбсизликдан далолат берувчи маълумотлар эса, ЖПКнинг 83-моддасидаги реабилитация учун, шунингдек, бундай маълумотлар ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисмидаги ҳолатлар билан боғлиқдир. Мазкур асос ва ҳолатлар суд маҳокамасининг ҳар қандай босқичида аниқланиши мумкин. Шу боис, судланувчининг айбсизлигини аниқлаш учун ЖПКнинг 421-моддасида эътироф этилганидек, «суд муҳока-

масининг якунини кутиш» ёки ЖПКнинг 409-моддасида кўрсатилганидек, «суд муҳокамаси натижасида баён қилиш» шарт эмас.

Прокурор «судланувчининг айбсизлигидан далолат берувчи маълумотлар аниқланган» деган ишончга келса, дарҳол айбловдан воз кечиши ва унинг сабабларини судга ёзма равишда баён қилиши шарт. Шу мазмундаги ўзгартириш ЖПКнинг 409-моддасига киритилиши керак.

Энди, таҳлил қилинган фикрлардан келиб чиқувчи асосий масала – прокурорнинг айбловдан воз кечиши натижасида келиб чиқадиган оқибат хусусида сўз юритсак. ЖКнинг 66¹-моддаси айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи) ва жабрланувчининг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга рухсат беради. Унинг тартиби ЖПКнинг 582-586-моддаларда белгилаб қўйилган. Бу ҳолат қайд этилган моддада белгиланган талабларни бажарган ҳолда жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши, жиноятнинг содир этилиши туфали улар ўртасида вужудга келган ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятнинг барта- раф этилганлигини англатади. Демак, ЖК ва ЖПК жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги туфайли жиноят ишини тугатар экан, шунга қиёсан фикр юритадиган бўлсак, суд прокурорнинг айбловдан воз кечиши туфайли ҳам жиноят ишини тугатиши зарурдир. Чунки, прокурорнинг судланувчига нисбатан ўзи илгари сурган даввоси- ни чақириб олиши айбланувчи ва судланувчи ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятнинг барта- раф этилганлигини билдиради. Бу эса ЖПКнинг 25-моддаси эътироф этган жиноят-процессуал муносабат- ларнинг тарафлар тортишувига қурилган конструк- циясига мувофиқ, айбловчининг суд муҳокамасида айбловдан воз кечиши жиноят ишининг тугатилиши лозим деганидир. Биз фойдаланган мана шу про- цессуал-ҳуқуқий аналогия жиноят-процессуал нор- малардаги мантиқий асосни мустаҳкамлашга хиз- мат қилиши лозим.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена судебно-правовым реформам и вопросам совершенствования компетенции прокуроров в уголовном процессе. В статье осуществляется анализ компетенции прокуроров по национальному уголовному процессу, а также других нормативно-правовых актов. Следовательно, в ней затрагиваются основные направления и пути совершенствования деятельности и компетенции прокуроров. Кроме того, освещается положительная национальная правоприменительная практика. В заключении автор делает конкретные предложения по совершенствованию судебно-правовых реформ в данной сфере.

¹ Қаралсин: Уголовный процесс. Общая часть. Учебник для вузов./Под ред. В.П.Божьева. –М.: Изд. «Спарк», 1997. –С.50; Птрухин И.Л. Правосудие: время реформ. –М.: –С.161; Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси: Дарслик /Б.А.Миренский ва б. Т.: ИИВ Академияси, –270-271 б.

² Суд томонидан жиноят ишининг кўзгатилиши ЖПКнинг 25-моддасида эътироф этилган тортишув принципида зид эканлиги туфайли ушбу ечимни қўллаб-қувватлаш мумкин эмас.

³ Қаралсин: Сейтназаров К. Принцип состязательности и его реализация при рассмотрении уголовных дел судами Каракалпакстана. Автореф.дисс...к.ю.н. –Киев: КГУ, 1993. –С.12-17; Мухитдинов Ф.М. Принцип состязательности и проблемы его реализации в судебном разбирательстве по уголовным делам. Автореф.дисс...к.ю.н. –Ташкент: ТЮИ, 1999. –С.19.

⁴ Қаранг: Саломов Б. Адвокатлар билан прокуратура ва тергов ходимлари ўртасида бўладиган муносабатларнинг социал-психологик аспекти //Уголовное правосудие и принцип состязательности в судебном процессе. –Тошкент: Адолат, 2000. –С.47-49.

Адҳам ОДИНАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНДА НЕУСТОЙКАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли хил шакллари ташкил топиши билан иқтисодий муносабатларининг ривожланиши учун етарли манба яратилди. Бундай шароитда бозор муносабатларининг ҳуқуқий шакли бўлмиш ва ушбу муносабатларнинг ривожланишини ҳар томонлама – ҳам юридик, ҳам амалий жиҳатдан таъминловчи восита сифатида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан кенг қўламда ва эркин фойдаланиш учун имконият юзага келди.

Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитидаги муносабатларнинг энг асосий талабларидан бири ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома талаблари ва интизомига риоя қилиш ҳисобланади.

Бундай муносабатга киришаётган фуқаролар, турли хил шаклда фаолият юритаётган юридик шахслар қоида тариқасида, ўз мажбуриятларини онгли ва ихтиёрий равишда бажаришдан манфаатдордирлар. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида бундай манфаатдорлик улар томонидан амалга ошириладиган таваккалчилик ва ўзларининг мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга бўлган интилишда намоён бўлади.

Бироқ, бу муносабатлар ҳар доим ҳам бирдек кечавермайди. Сабаби айрим корхоналар, ҳўжаликлар ўзига нисбатан лозим даражада талабчанлик қилмаган ҳолда мажбуриятларнинг бузилишига йўл қўйиб, шартнома шартларини бажармайдилар. Бундай ҳолларда, албатта, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи юзага келади. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий мақсади – тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида ёхуд ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни мулкий муносабатларнинг иштирокчиларидан ундиришдан иборат. Жавобгарлик асосларининг таркибий қисми қуйидаги объектив факторларга – ғайриқонуний ҳаракат, етказилган зарар, улар ўртасида сабабий боғланиш ва субъектив фактор – айбдан иборат¹.

Зеро, зарарни ундириш товар-пул муносабатларида асосланган ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик қонунчилигида башарти, мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган

бўлса ёхуд ижро муддатига риоя этилмаган ёки мажбурият предметининг сифати мажбурият шартларига мувофиқ бажарилмаган бўлса, мажбурият бузилган деб эътироф этилиб, мажбуриятни бузиш тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятнинг нормал жараёнидаги узилишларга, фуқароларнинг эҳтиёжлари лозим даражада бажарилмаслигига олиб келади.

Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик – фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури бўлиб ҳисобланади². Бундай жавобгарлик ҳар қандай юридик бурчларни давлатнинг мажбурият кучи орқали бажартирилиши каби бузилган мажбуриятлар ижро этилиши учун давлат (ёки қонунда белгиланган доираларда жамият) томонидан мажбур этиш ҳолатидир³.

Ҳўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка нисбатан шартнома тарафларининг қонун ва шартномада назарда тутилган жазолар таъсири остида мажбуриятларни бажаришга мажбур этиш ҳолати сифатида қараш лозим. Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юклаш орқали нафақат қонунда, балки шартномада ҳам белгиланган санкциялар амалга оширилади.

Шартномавий жавобгарлик мулкий характерга эга эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг мавжудлиги мажбуриятларни бажарилишини таъминловчи восита, яъни тегишли мажбурият бажарилмаганлиги оқибатида тарафга етказилган зарар, албатта, мулкий қиймат билан қопланиши шартлигини англатади.

Мажбуриятни бажариш лозим даражада амалга оширилмаган тақдирда асосий мажбуриятга қўшилган ва белгиланган суммани қарздор томонидан тўлаш шарт ҳисобланади⁴. Шунга асосланиб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам қуйидаги иккита: а) зарарларни қоплаш; б) неустойка (пеня, жарима) ундириш шаклидан иборатдир⁵.

Жавобгарликнинг ушбу шакллари, уларнинг ҳажмлари ҳуқуқбузарлик аниқ турининг характери ва улар келтириб чиқарган оқибатларига қараб белгиланади (ФКнинг 324, 325-моддалари). Ушбу шакллар бир-биридан жиддий фарқ қилади, шунинг учун улар у ёки бу ҳуқуқбузарликка нисбатан биргаликда ёки алоҳида-алоҳида ҳолда қўлланилиши ҳам мумкин.

Маълумки, қонун ҳужжатларида муайян турдаги ҳуқуқбузарлик учун белгиланган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ўзил-кесил бўлмасдан, муайян нормаларда назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари ҳам мажбуриятни бузганлик учун белгиланади. Масалан, ФКнинг 8-моддаси 1-қисмига мувофиқ, мажбуриятлар қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, аммо фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига мос келадиган ҳаракатлардан, хусусан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартномаларидан келиб чиқиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилигига биноан товарлар етказиб беришга нисбатан тарафларнинг мажбуриятларни бузганлик учун шартномада жазо чораларини белгилаш бўйича ҳуқуқларининг айрим чекловлари олиб ташланган. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида тарафлар, башарти, қонун ҳужжатларида белгиланмаган бўлса, мажбуриятни ҳар қандай тарзда бузганлик ва унинг айрим шартлари бўйича жавобгарлик чорасини назарда тутишлари мумкин. Чунончи, ФКнинг 455-моддаси 4-қисмига биноан шартномада тарафларнинг келишувига мувофиқ ушбу нормада назарда тутилгандан ташқари маҳсулот етказиб бериш шартномаси ижросини бир томонлама рад этиш ёки уни бир томонлама ўзгартиришнинг бошқа асослари назарда тутилиши мумкин. Сотиб олувчининг етказиб бериш муддати кечиктириб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишига нисбатан мажбуриятни бузган маҳсулот етказиб берувчига қўлланиладиган жазо чораси деб қаралиши керак. Амалдаги ФКга мувофиқ, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда етказиб бериш муддати кечиктириб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқи берилган. Бундай диспозитив нормага мувофиқ тарафларнинг хоҳишига кўра, шартномада етказиб бериш муддати кечиктириб юборилган товарларга нисбатан бошқа шартлар, шунингдек, ушбу шартларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик назарда тутилиши мумкин⁶.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа воситалар билан таъминланиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқининг неустойка институти қарздор томонидан мажбуриятнинг асли ҳолатида бажарилишини таъминлайди ва мажбурият ижро этилмаган ҳолда қарздорга муайян жавобгарлик белгиланишини кўрсатади. У мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарнинг кредитор томонидан ундирилишини енгиллаштиради.

Неустойка қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси бўлиб, у мажбуриятнинг бажарилиши бузилишида ҳар қайси факт учун ундирилади ва унинг миқдори мажбурият кечиктирилишининг қанчалик ўзоқроқ бўлиш-бўлмалигидан қатъи

назар белгиланади.

Қонуний неустойка мажбуриятларнинг муайян турлари учун қонун билан махсус белгиланган миқдор, ундирилиш тартиби ва шартларига эга. Қонун билан белгиланмаган неустойка учун шу нарса характерлики, уни тўлаш тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка) ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

Ўтмишда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институти турли шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун қонуний неустойка миқдорини ошириш йўли билан ривожлантирилган. Унинг кулминацион нуқтаси 70-80-йилларга тўғри келади. Айнан шу вақтда тадқиқотчилар хўжалик фаолияти соҳасида мажбуриятларни бузганлик учун қонунчиликда уч мингдан ортиқ санкциялар мавжудлигини таъкидлашган⁷.

Қонуний неустойка хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларда анча кўп қўлланилади. Ушбу неустойка махсус норматив ҳужжатларда, хусусан, тарафлар томонидан ўз мажбуриятларини бузганликлари учун жарима шаклида кўп миқдорда ва ҳар хил ҳолларда олиниши асосан транспорт қонунчилигида ва уставларида назарда тутилган. Бизнингча, мазкур неустойканинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрни ва ишлаш механизмини ривожлантириш лозим.

Шартномали неустойка тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича белгиланиб, асосий мажбуриятнинг неустойка билан таъминланиши ёки таъминланмаслиги тўғрисидаги масала, унинг миқдори, ундириш тартиби ва шартлари фақат тарафларнинг ўзлари томонидангина белгиланади.

Мажбуриятларни бузганлик учун, жумладан, сифатсиз маҳсулот ёки товар етказиб бермаганлик учун маҳсулот етказувчилардан неустойкани ундириш – маҳсулот олувчининг ҳуқуқига бўлиб қолмай, балки унинг давлат олдидagi мажбурияти ҳам ҳисобланади.

Неустойканинг татбиқ этилиши тарафлар ўртасида шартнома тузилишида, у тўғрисида кўрсатмалар бўлиш-бўлмалигидан қатъи назар белгиланади. Агар неустойка тўғрисидаги қонун унинг миқдорини ўзгартириш ҳуқуқини тарафларга бермаган бўлса, тузиладиган шартномаларда неустойканинг қонунда назарда тутилган миқдорини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Неустойка мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда муҳим усуллардан иборат бўлиши билан бир қаторда мулкый жавобгарлик чораси ҳамдир. Неустойка асосий мажбурият бузилганлиги натижасида зарар етказилган бўлишидан қатъи назар ундирилади. Шунинг учун ҳам кредитор неустойкани тўлаш ҳақида талаб қўзғатар экан, ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас.

Неустойка мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш жараёнида оператив восита ҳисобланади, ундан ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган бўлиши заҳотиёқ ва бунинг натижасида юз бериши мумкин

бўлган салбий оқибатларни кутмасдан туриб фойдаланиш мумкин.

Неустойкани қўллаш учун асос бўлиб мажбуриятнинг бузилиши ёки ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ёки иш муомаласи одатлари ҳисобланади. Неустойкани қўллаш асоси сифатида (тадбиркорлик фаолияти бундан мустасно) қарздорнинг айби бўлиши ҳам ҳисобга олинади. Демак, неустойкани ундириш учун, умумий қоидага биноан, мажбуриятнинг бузилиши (ҳуқуқнинг бузилиши) ва қарздорнинг айби асос бўлиб ҳисобланади, бироқ бунда ҳуқуқбузарлик таркибининг тўлиқ бўлиши (ҳуқуққа хилоф қилмиш, зарар, сабабий боғланиш, айб тўлиқ ҳолда мавжуд бўлиши) шарт эмас.

Ю.В.Романец «истеъмолга оид шартномаларда неустойканинг қўлланилиши мантиқан тўғри ҳисобланиб, бу борада мазкур тартибнинг англо-америка ҳуқуқ тизимида ўз аксини топмаганлиги муайян ноаниқликларга олиб келиши мумкин»лигини таъкидлайди⁸. Айрим манбаларда эса, «АҚШ ва Американинг баъзи олимлари кредиторнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш унга етказилган зарарни қоплаш орқалигина тиклашни жавобгарлик чораси сифатида белгиланиши лозимлигига оид фикр-мулоҳазалари ўз аксини топганлигини кузатиш мумкин»⁹.

Ж.И.Бабаев эса, «Ҳозирча истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда неустойка белгилаб қўйилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доираси унчалик кенг эмас. Бундай шартномаларнинг кўпчилиги оммавий, қўшилиш шартномалари бўлганлиги сабабли истеъмолчи унинг шартларини шакллантиришда иштирок этиш имконига эга эмас. Бинобарин, бундай ҳолатда шартномавий неустойкаларни қўллаш имконияти чекланган. Демак, муаммони қонуний неустойкалар доирасини кенгайтириш орқали ҳал этиш мумкин»¹⁰, деган хулосага келган.

Бизнингча, юқоридагиларга кўра, неустойка маж-

буриятнинг бажарилишини таъминлаш усули ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли қуйидаги белгилари билан характерланади: а) у мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда суд қарорига асосан ёки қарздор томонидан ихтиёрий ундирилади; б) неустойка ҳам зарар каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқиши учун зарур бўлган шартлар мавжуд бўлгандагина қўлланилади; в) мажбуриятни бузган қарздорнинг неустойка тўлаш мажбурияти давлат мажбурияти билан таъминланади.

Неустойка турли адабиётларда пеня ёки жарима терминлари билан ҳам ишлатилса-да, лекин уларнинг бир-биридан фарқи — ҳисоблаш услубларидадир. Пеня мажбуриятнинг ижро этилиши кечиктирилганда тўланадиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмай қолган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойкадир. Жарима эса, қарздор зиммасидаги мажбуриятнинг унинг томонидан бир марта ёки узоқ муддат давомида бузилишида ундирилади ва одатда қатъий пул суммаси билан белгиланадиган неустойкадир.

Неустойканинг таъминловчи кучи, унинг омиллаштирувчи аҳамияти яна шундан иборатки, мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

Неустойка тўғрисидаги келишув ҳар эҳтимолга қарши ёзма шаклда тузилиши керак. ФКнинг 262-моддасида фақат шартномавий неустойка назарда тутилади, чунки қонуний неустойка тарафларнинг хоҳишидан қатъий назар қўлланилади.

Неустойканинг шакллари, уларнинг турлича номланишидан қатъий назар битта умумий хусусиятга эга. Умуман олганда, улар мажбуриятни бажаришга раббатлантирадиган жаримали санкциядан иборат.

АННОТАЦИЯ

В настоящей работе автор осуществил исследование роли и значения института гражданско-правовой неустойки, раскрытию механизмов ее воздействия на экономические отношения субъектов хозяйственной деятельности в условиях свободы договора.

¹ Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари // юрид. фанлар доктори... дисс. автореф.. —Тошкент: 2002. —Б. —16.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореферат дис. ... докт. юрид. наук. — Ташкент: 2002. — С. —39.

³ Братусь С.Н. Юридическая ответственность и законность. — М.: Юридическая литература, 1976. —С. —4.

⁴ Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права (по изданию 1907 г.). —М.: 1995. —С. —293.

⁵ Адабиётларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг закатли йўқотиш, мусодара характеридаги чоралар, нотиниқ чоралар каби шакллари мавжуд деган қарашлар ҳам мавжуд. Қаранг: М.Брагинский, В.Витрянский. Договорное право. Общие положения. — М.: Статут. 1997. —С. —511-513.

⁶ Раҳмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). //Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юрлари “Хусусий ҳуқуқ” йўналиши магистратура талабалари учун. —Тошкент: ТДЮИ, 2005 й. —Б. —143-144.

⁷ Липницкий Л.Х. Предотвращение хозяйственных правонарушений и эффективность производства // Хозяйственное право и эффективность производства. Донецк, 1979. —С. —96.

⁸ Романец Ю.В. Гражданско-правовые средства охраны интересов потребителей в отношениях с предприятиями: Автореф. ... канд. юрид. наук. — М.: 1993. — С. —21.

⁹ Бельх В.С. Качество товаров в английском договоре купли-продажи. — М.: 1991. — С. —46-47; Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. — М.: Юрид. лит., 1991. — С. —28-39.

¹⁰ Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фанлар номзоди... дис. автореферати. — Тошкент, 2005. — Б. —19.

ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА АСОСЛАРИ

Ўзбекистон ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш, бозор муносабатларида чуқур ислохотларни амалга ошириш ва демократик қадриятларни халқ онгига синдириш йўлидан собитқадмлик билан босқичма-босқич ва оғишмай бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида, яъни мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврларда, давлатимизда демократик принципларга асосланган ҳуқуқий ва очиқ фуқаролик жамияти қуришга қаратилган ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улғу мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз”.¹

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Ушбу Декларация ҳозирги замонда инсон эркинликлари кафолатининг буюк хартиясидир. Унинг биринчи моддасида ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғулиши, уларга ақл ва виждон ато қилингани ва улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари кераклиги таъкидланган².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” (2-модда). Ўзбекистонда ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси ва бошқа шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда манфаатлари Конституцияга биноан давлат ва унинг ваколатли органлари томонидан мунтазам равишда ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва

қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ва уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Асосий қонун ҳар ким ўз шаъни, қадр-қиммати ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашилардан ҳимояланиш ва турар жойнинг дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлигини белгилайди.

Фуқаро ёки ташкилот ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳақоратловчи маълумотлар, башарти, бундай маълумотларни тарқатган шахс улар ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, рад этилишини суд орқали талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 100-моддаси).

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)га мувофиқ, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари икки хил, яъни моддий ва номоддий турдаги тоифаларга бўлинади. Бу Фуқаролик кодексига киритилган янгилик бўлди. Аввалги Гражданлик кодексига объектларнинг бундай тоифаларга бўлиниши аниқ эмас эди. Номоддий неъматлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида қонунда умуман назарда тутилмаган эди. Объектларнинг бундай фарқланишида уларнинг хусусиятлари, белгилари ва ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг моҳияти, шунингдек, муомалада бўлиш ёки бўлмаслиги ҳисобга олинди.

Номоддий неъматларнинг ҳам моддий неъматлар (ашёлар, ишлар, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) қаторида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида ФКда тан олинди фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари (ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси ва ҳ.к.) ни қонун асосида ҳимоя қилиш учун ишончли кафолат яратди.

Фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси унинг меҳнатда, турмушда, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа соҳаларда тутган ўрни, хулқ-

атвори, юриш-туришлари ва хатти-ҳаракатларига жамият томонидан берилган баҳони ўзида акс эттиради. Албатта, ҳар бир шахс (фуқаро, юридик шахс) ўзига жамият аъзолари томонидан берилган ижтимоий баҳо ҳақиқий маълумотларга, фактларга мос келган ҳолда асосланган бўлишини хоҳлайди. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш йўли билан шахсларга маънавий зарар етказилиши мумкин. Бундай ҳоллар содир бўлган тақдирда, шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етган шахс ўзининг бундай ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ҳуқуқига эга бўлади.

Маълумотлар ҳар хил шаклда, яъни оғзаки, ёзма ва бошқа шаклда тарқатилган бўлиши мумкин. Бундай маълумотларни фақатгина ўша шахснинг ўзига айтиш, бу маълумотларни тарқатиш деб қаралмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий тартибда шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш жабрланган шахснинг ўзи ва учинчи шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда бадном этувчи ёлғон хабарлар, ғаразли ва беғараз ниятда тарқатилган бўлиши, маълумотларни тарқатган шахснинг айби бор ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан ерга уриш амалдаги қонун бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида тан олинади. Бундай ҳолатларда айбдор тўхмат ёки ҳақорат учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш турли тартибда қўзғатилиши мумкин. Жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги иш хусусий айблов тартибда, фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ҳимоя тўғрисидаги иш даъво аризаси бериш тартибда қўзғатилади. Жиноий иш қонунга мувофиқ, жиноий жавобгар бўлиши мумкин бўлган жисмоний шахсларга нисбатан қўзғатилиши мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий воситалар шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини фуқаролардан, ташкилотлардан, шунингдек, муомалага лаёқатсиз шахслардан ҳам ҳимоя қилиш имконини беради. Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқароларнинг, шунингдек ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилади. Жиноят қонунини эса фақат фуқароларга тааллуқлидир.

Фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг вазифаси – бузилган шахсий номулкий ҳуқуқни тиклашдан иборат. Жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг вазифаси – бошқа шахсни қасддан шарманда қилдиган, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган уйдирмалар тарқатиш тарзидаги қилмиш содир этган шахсни жазолашдан иборатдир.

Номоддий ҳуқуқ ва неъматларнинг фуқаролар ҳаётидаги аҳамиятига бирёқлама ва нотўғри ёндошиш, нафақат суд амалиётида, балки фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам кузатилади, бу эса фуқаро-

роларнинг субъектив номоддий ҳуқуқлари ва номоддий неъматлари бузилганда, шу жумладан, ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказилганда, бу ҳуқуқ ва неъматларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масаласини ҳал этишда ижтимоий адолатга мос келмас эди.

Фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотлар тарқатилган тақдирда, уларни ҳимоя қилиш суднинг биринчи даражали вазифаларидан бўлиб ҳисобланади³.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни оммавий ахборот воситаларидан фуқароларнинг шахсий ҳаётларига аралаштириш, уларнинг шаъни, кадр-қимматлари ва ишчанлик обрўсига тажовуз қилиш мақсадида фойдаланишни ман этади.

Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддасига мувофиқ, ўзининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти, бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ташкилотларнинг обрўсини тиклаш, ижтимоий муносабатларда унинг фаолиятига одилонга баҳо бериш ҳам катта аҳамият касб этади.

Шахснинг шаъни, кадр-қиммати, ишчанлик обрўсига доғ тушириш билан боғлиқ маълумотларнинг тарқалиши кўпинча оммавий ахборот воситаларида юз беради. Шу сабабли ҳам шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш Фуқаролик кодекси нормалари билан бир қаторда бошқа қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятининг эркинлиги тўғрисида»ги, «Радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тўғрисида»ги Қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунни суд амалиётида қўллашда, қандай маълумотлар тарқатилганлиги ва улар кадр-қимматга қанчалик путур етказгани каби масалалар юзасидан муаммолар юзага келганлигини таъкидлайди. Ҳал қилув қарорларида шаън ва кадр-қимматга путур етказувчи маълумотларга раддия беришнинг аниқ усули ҳамда раддия берилиши лозим бўлган муддат ҳамма вақт ҳам кўрсатилмавермайди, суд харажатларини ундириш масаласи муҳокама қилинмайди.

Ишни кўришни бир неча марталаб қолдириш, иш юритишни асоссиз равишда ҳаракатдан тўхтаиб қўйиш оқибатида низонинг муҳимлилик моҳияти йўқолиши туфайли даъвогарлар ўз талабларидан воз кечмоқдалар, анчагина аризалар эса кўрилмасдан қолдирилмоқда.

Кўпчилик ишларда ҳал қилув қарорининг ижро

этилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш (100 модда) ҳақидаги олдин белгиланган қоидаларга муҳим қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шахснинг кадр-қиммати, шаънини 1963 йилги Кодекснинг 7-моддасида бўлганидек, фақат унинг ўзи эмас, балки бошқа — учинчи шахслар томонидан, шунингдек, унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилиниши ҳам назарда тутилди. Оммавий ахборот воситаларидан нотўғри маълумотлар эълон қилиниши натижасида шаънига, кадр-қимматига, ишчанлик обрўсига доғ тушган шахс, ўз обрўсини тиклаш мақсадида олдинги қоидага биноан оммавий ахборот воситалари орқали рад қилиш билан чекланмасдан, бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ишбилармонлик (касб-кор) фаолиятига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш Кодекснинг иккинчи қисмидаги 1021-моддага, асосан маънавий зарарлар туркумига киритилди ва агар инсонга бундай зарар етказилган бўлса, баъзи ҳолларда зарар етказувчининг айбидан қатъи назар, зарарнинг қопланиши назарда тутилди. Бундай янгилик инсоннинг шахс сифатида дахлсизлигини, унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ҳар томонлама таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий кафолат яратди.

ФКнинг 100-моддаси 8-қисмига асосан ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир

қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган моддий зарар билан бирга маънавий зарар ўрнини қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир. Маънавий зарар шахсий номулкий ҳуқуқи бузилган шахснинг оғир руҳий азобларида, изтироб чекишида, қайғу-аламларида, иззат-нафсининг ерга урилиши, хўрланиши, ўз ижтимоий баҳосининг бошқалар томонидан нотўғри тушунилиши сабабли вужудга келадиган бошқа руҳий изтироб чекишларида намоён бўлади.

Маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни пул билан қоплаш миқдорини суд белгилайди. Қонунда маънавий зарарни моддий шаклда (пул билан) қоплашнинг максимал миқдори кўрсатилган. Адабиётларда зарарни қоплаш миқдори энг кам иш ҳақи миқдорига мутаносиб суратда боғлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ деган фикр мавжуд⁴.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Улар ўз эгасидан тартиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди, фуқарога ёки юридик шахсга тегишли мутлоқ ҳуқуқ сифатида қонунда назарда тутилган тартибда муҳофаза қилинади. Мутлоқ ҳуқуқ бузилган тақдирда нисбий, яъни ҳуқуқбузар ва ҳуқуқи бузилган шахслар ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Ҳуқуқи бузилган шахс даъво кўзғатиш йўли билан ўз ҳуқуқини суд тартибда ҳимоя қилади. Бузилган шахсий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилишга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена основам и способам гражданско-правовой защиты чести, достоинства и делового авторитета. Во вводной части данной статьи автор осуществляет общий обзор механизмов защита прав и свобод человека в Республики Узбекистан. В основной части статьи осуществляется научно-правовой анализ национального законодательство в сфере гражданско-правовой защиты чести, достоинства и делового авторитета, также осуществляется анализ действующего законодательства в данной сфере. В заключительной части автор раскрывает специфику защиты личных неимущественных прав субъектов гражданского права.

¹ И.А.Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч Т.: “Маънавият” 2008 й.3 б.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т.: “Ўзбекистон” 2009 й. 3-15. б.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида. Тошкент. 1992 й. 19 июнь.

⁴ Қаранг: Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. —Т.: Гофур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006. Б. 79.

05/10.14 may

Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида

Фуқаролик ишлари бўйича вакилликка доир қонунчиликни қўллашда суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда ушбу қонунчилик нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

қ а р о р қ и л а д и :

1. Судларга тушунтирилсинки, фуқаролик процессида вакиллик институти фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44, 116-моддаларида мустаҳкамланган суд орқали ҳимояланиш ва малакали юридик ёрдам олиш каби конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Судда вакиллик тарафлар, учинчи шахслар, аризачилар субъектив ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясининг процессуал кафолати вазифасини бажаришга қаратилган.

2. Қонун мазмунига кўра, суддаги вакил - ишонч билдирувчи шахс номидан ва унинг манфаатлари учун берилган ваколат доирасида процессуал ҳаракатлар содир этадиган ҳамда ҳуқуқларини амалга оширишда унга ёрдам берадиган жисмоний шахсдир.

3. Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига мувофиқ юридик шахсларга тегишли ишларни ҳар доим уларнинг раҳбарлари ёки вакиллари юридадилар, фуқаролар эса ўз ишларини судда шахсан ёки вакил орқали юритишлари мумкин. Бунда фуқаронинг шахсан иштироки уни мазкур иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун фуқаролик ишлари бўйича судда вакилликни икки турга ажратади - қонуний, яъни мажбурий вакиллик (ФПК 51-моддаси) ва шартнома бўйича, яъни ихтиёрий вакиллик (ФПК 52-моддаси).

Қонуний вакиллик белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилган ёки ўлган деб эълон қилинган шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор фуқаролик ишларини судда кўришда мажбурийдир. Қонуний вакиллик келиб чиқиши учун ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахс розилиги талаб этилмайди.

Судда вакиллик бошқа барча ҳолларда шартномага асосланган бўлади ва фақат ишонч билдирувчининг бунга хоҳиши мавжуд бўлганда юзга келади.

5. Судда қонуний вакил сифатида ота-оналар, васийлар, ҳомийлар ва ФПК 51-моддасида кўрсатилган бошқа шахслар иштирок этади.

Судда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида куйидагилар иштирок этишлари мумкин:

1) адвокатлар, яъни қонунда белгиланган тартибда адвокатлик мақомини олган шахслар;

2) тўғри ва ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр(хотин) ёки унинг қариндошлари;

3) юридик шахсларнинг ходимлари-мазкур юридик шахслар ишлари бўйича;

4) нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари-мазкур ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;

5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари;

6) иштирокчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;

7) жисмоний шахслар вакили сифатида суд томонидан ишда қатнашишга руҳсат берилган бошқа шахслар, башарти улар вакил сифатида судда касб тариқасида (ҳақ эвазига ёки ҳақ олмай) фаолият олиб боришмаса.

Қонуний вакиллар ҳам, шартнома бўйича вакиллар ҳам вояга етган ва муомалага лаёқатли бўлишлари керак.

6. Ишонч билдирувчига қариндош шахслар доирасини аниқлашда суд ФПК 52-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди ва Оила кодексининг 57,58-моддаларига амал қилиши лозим бўлиб, уларга кўра куйидагилар қариндошлар ҳисобланади:

ота-она, болалар, неваралар, бобо, буви, эваралар, катта бобо, катта буви;

ака-ука, опа-сингиллар, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари, бобо, бувиларнинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари ва ҳ.к.;

ўғай ака-ука, опа-сингиллар.

7. Юридик шахс ходими деганда, мазкур ташкилотда меҳнат шартномаси (контракт)га асосан ишлаётган шахс тушунилади.

8. Судда нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари сифатида мазкур нотижорат ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт)га асосан ишлаётган ва унинг штатида турган шахслар бўлиши мумкин.

Судда вакил сифатида, шунингдек, нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин, башарти бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси мазкур ташкилотларга бевосита қонунга биноан берилган бўлса (масалан, "Ўзбекистон Республикасининг савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси, "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси ва бошқалар).

9. Давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган давлат органлари судда нотижорат ташкилот вакили сифатида эмас, балки процесснинг бошқа иштирокчиси-давлат бошқарув органлари сифатида қатнашадилар (ФПК 48, 49-моддалари).

10. Фуқаролик процессуал кодексининг 41-моддасига кўра, процессда бир неча даъвогар ёки жавобгар, шунингдек, учинчи шахслар қатнашганда, вакиллик бошқа ишти-

